Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 йил чиқиши
№ 8 (13.270).
9 ЯНВАРЬ 1966 йил
ЯКШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

«КОСМОС-104» ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

□ □

1966 йил 7 январда Совет Иттифоқида Ерининг навбатдаги сунъий йўлдоши — «Космос-104» учирилди. Йўлдош ичига ТАСС 1962 йил 16 мартда эълон қилган программага мувофиқ, космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. Йўлдош параметрлари қуйидагича бўлган орбитага чиқарилди: бошланғич айланиш даври 90,2 минут, Ер сатҳидан максимал узоқлашуви (апогейида) 401 километр, Ер сатҳидан минимал узоқлашуви (перигейида) 204 километр, орбитанинг оғиши 65 градус.

Йўлдошда илмий аппаратлардан ташқари 19.995 мегагерц частотада ишлайдиган радиопередатчик, орбита элементларини аниқ ўлчайдиган радиосистема, приборлар ва илмий аппаратларнинг иши тўғрисидаги маълумотларни Ерга юбориб турувчи радиотелеметрик система бор.

Йўлдошга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координациялаш-ҳисоблаш маркази олинаётган ахборотларни ишлаб чиқмоқда.

УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

А. ЧУДНАЯ ТАЖРИБАСИНИ КЕНГ ЁЯЙЛИК

Узбекистон чорвачилик илмий-текшириш институти «Красный водопад» тажриба базасининг сут соғувчиси А. И. Чудная 1965 йилда «Тандем» агрегати билан 165 сигирни соғди. Ҳар бир сигирдан ўртача 3400 килограммдан, жами 680 тонна сут соғиб олинди. Бир йил ичида ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сут 168 килограммга, жами 106,4 тоннага кўпайди. 1 центнер сут етиштириш учун ҳаммаси бўлиб 0,42 киши-куни сарфланди. Утган йил бир центнер сутнинг таннархи 1 сўм 82 тийинга арзонлаштирилди.

А. И. Чудная сут соғишда электр агрегатидан унумли фойдаланиб, кейинги олти йил ичида ўз боқимидаги сигирлардан сут соғиб олишни 355 тоннадан 680 тоннага етказди. Шу билан бирга у юзлаб сут соғувчиларга ўз тажрибаларини ўргатди. Ҳозир республикамизнинг деярли ҳамма областларида унинг шогирдлари электр агрегатларида сут соғмоқдалар.

КПСС XXIII съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақага қўшилган А. И. Чудная 1966 йилнинг биринчи кварталида 162 тонна (бу 1965 йилнинг биринчи кварталида соғиб олинган сутдан 29 тонна кўп) сут соғиб олишга аҳд қилди.

У беш йилликнинг биринчи йилида ҳар бир сигирдан 3450 килограммдан, жами 700 тонна сут соғиб олишга сўз берди.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети сут соғувчи Анастасия Ивановна Чуднаянинг фидокорона меҳнатини қайд қилиб, республикамиздаги барча колхоз ва совхозларга унинг тажрибасини кенг ёйишни лозим топди.

Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетларига, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, партия ташкилотларининг секретарларига сут етиштиришни кўпайтириш, таннархини арзонлаштириш, фермаларда электр агрегатлари билан сут соғишни кенг йўлга қўйиш учун сут соғувчилар ва сут-товар фермаларида ишловчи бошқа ходимлар ўртасида социалистик мусобақани янада кенгайтириш топширилди.

Суратда: Анастасия Чудная.
И. Глауберзон фотоси.

□ □

СУТ КЎПАЙИБ, ХАРАЖАТ КАМАЙДИ

ЎЗБЕКИСТОН ЧОРВАЧИЛИК ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ «КРАСНИЙ ВОДОПАД» ТАЖРИБА БАЗАСИНИНГ СУТ СОҒУВЧИСИ АНАСТАСИЯ ИВАНОВНА ЧУДНАЯНИНГ ИШ ТАЖРИБАСИДАН

□ □

«Красний водопад» тажриба базасининг ходимлари КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, ўтган йили сут етиштиришни анча кўпайтиришга эришдилар. Базада 1964 йилдагига нисбатан 106,4 тонна кўп сут олинди. Ҳар бир соғин сигирдан 3400 килограммдан сут соғиб олинди. Бу, 1964 йилда ҳар бир сигирдан соғиб олинган сутнинг миқдоридан 168 килограмм кўндир. «Красний водопад» тажриба базасининг сутчилик фермаси планда белгиланганидан 18 процент знёд даромад қилди.

Маҳсулот бирлигига қилинган меҳнат сарфи камайди. 1964 йили бир центнер сут етиштириш учун 0,50 киши-кучи сарфланган бўлса, ўтган йили 0,42 киши-куни сарфланди. 1965 йили бир центнер сутнинг таннархи 11 сўм 70 тийинга тўғри келди ёки олдинги йилдагига нисбатан 1 сўм 28 тийин арзонлашди.

Бу муваффақиятларга эришишда машҳур сут соғувчи Анастасия Ивановна Чуднаянинг хизмати катта бўлди.

А. И. Чудная «тандем» типидаги установкада сигирларни механизациялашган усул билан соғиш соҳасидаги ўз маҳоратини такомиллаштира бориб, меҳнат унумдорлигини йил сайин оширишга эришмоқда. Бу, сутнинг таннархини камайтиришнинг асосидир.

Ўртоқ Чудная қарамоғидаги сигирлар группаси бўйича кейинги олти йилда етиштирилган сутнинг ялпи миқдори кўпайиб, 355 тоннадан 680 тоннага етди.

Сигирларни механизациялашган усул билан соғиш фақат меҳнат унумдорлигини оширибгина қолмай, балки соғувчиларнинг меҳнатини анча енгиллаштириш, ишлаб чиқариш маданиятини ошириш, фермада санитария-гигиена шароитини яхшилаш имконини беради. Чорвачилик институтининг илмий ходимлари буни ҳисобга олиб, амалий иш олиб борувчи ходимлар билан ҳамкорликда А. Чуднаянинг олти йиллик бой тажрибасидан фойдаланиб, 1963 йилдаёқ «тандем» соғиш установкасини такомиллаштирдилар, ўлчаб сут йиғадиган аппаратлар ўрнатдилар. Буларнинг ҳаммаси соғилган сутни якка тартибда ҳисобга олишни йўлга қўйиш, унинг мойлилик даражасини 0,25 процент ошириш, соғиб олинаётган сутнинг миқдорини эса 11 процент кўпайтириш имконини беради. Бутун сут аппаратини қайноқ сув ва дезинфекция қилувчи аралашма билан ювиш ҳам механизациялаштирилди. Сут станоклари ўрнатилиши сутни совутиш ва бидонларга қуйишни осонлаштирди. Ҳозирги вақтда соғиш станокларидаги эшикларнинг очилиш ва ёпилиши автоматлаштирилмоқда.

«Тандем» станогида консентрат озуқаларни тарқатишни механизациялашни жорий этиш меҳнат унумдорлигини янада кўтариш ва таннархни тагин ҳам камайтириш, соғувчининг иш жойи маданиятини ошириш ва механизациялашган усул билан сут соққанда биринчи марта соғилаётган ёш сигирларни соғишни махсус равишда ташкил қилишга ердамлашади. Биринчи марта соғилаётган ёш сигирлар илгаридан соғиб келинаётган сигирларга нисбатан тезроқ соғишга ўргатилиши ҳисобга олинмоқда.

Соғишни механизациялаш ва юксак маҳорат ўртоқ Чудналга 165 сигирни икки марта соғишга 2,5 соатдан вақт сарфлаш имконини берди. А. И. Чудная иш кунининг узунлиги 7 соатдан ошмайди. Сигирларни озиқлантириш ва уларни озиқни ейишга тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Тажриба базасида 1963 йилдан буён озуқа цехи ишлаб турибди. Бу ерда озуқа майдаланади, бўланади, уларга озуқа ачитқиси, витаминлар, микроэлементлар ва антибиотиклар аралаштирилади.

Машҳур сут соғувчи ўз ишида фан ютуқлари ва илғор тажрибага амал қилади. Чорвачилик институтининг илмий ходимлари билан доимо маслаҳатлашиб туради.

Тажриба базасида етиштирилган маҳсулотнинг миқдори ва сифатига қараб меҳнатга прогрессив тартибда ҳақ тўлаш жорий қилинган. Пландан ташқари олинган маҳсулот учун қўшимча ҳақ ёзилади. Ўртоқ Чуднаянинг ойлик маоши 175-180 сўмни ташкил қилади. У фақат ўтган йилнинг 10 ойида қўшимча равишда 130 сўм ҳақ олди.

Машинада сут соғишнинг устаси бўлган А. И. Чудная фақат ўзи яхши ишлабгина қолмай, балки республиканинг колхоз ва совхозларидаги сут соғувчиларга ўзининг тажрибасини жон-дилдан ўргатмоқда. Тажриба базасида ташкил қилинган илғор тажриба мактабида 1962 йилдан буён 600 дан ортиқ киши А. И. Чудная тажрибасини ўрганди. Улар орасида ҳозирнинг ўзидаёқ кўпгина машҳур сут соғувчилар бор.

Масалан, Калинин районидаги «Ўзбекистон 40 йиллиги» колхозининг сут соғувчиси Мунаввар Исҳоқова ўзига биркитиб қўйилган 100 бош сигирнинг ҳар биридан 3600 килограммдан сут соғиб олмоқда. Бухоро область, Ғиждувон районидаги «Коммунизм» колхозидан машинада сут соғишнинг устаси А. Раҳмонова ўзига биркитиб қўйилган 80 бош сигирдан 200 тоннага яқин сут соғиб олди. Сурхондарё областида ҳам А. И. Чуднаянинг издошлари бор. Масалан, Сариосиё районидаги «Ленинград» колхозининг сут соғувчиси Мамаражаб Турсунқулов ҳар куни 64 бош сигирни соғмоқда.

А. И. Чуднаянинг сигирларни механизациялашган усул билан соғиш соҳасидаги тажрибаси Тошкент область, Калинин районидаги «Назарбек» совхозида, Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхозда, Оққўрғон районидаги Димитров номли ва Ленин номли колхозларда, Орҳоникидзе районидаги «Правда» колхозида, Сирдарё область, Боёвут районидаги «Коммунизм» колхозида кенг қўлланилмоқда.

А. И. Чудная Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIII съездини муносиб кутиб олиш учун интилиб, ўз зиммасига юксак социалистик мажбурият олди. У 1966 йилнинг биринчи кварталида 162 тонна ёки 1965 йилнинг шу давридагига нисбатан 29 тонна кўп сут соғиб олишга сўз берди. 1966 йилда ҳаммаси бўлиб 700 тонна, яъни ҳар бир сигирдан 3450 килограммдан сут соғиб олинади. Анастасия Ивановна бу катта ишга муносиб ҳисса қўшишига шубҳаланмаймиз.

Сўнгги соатда

● Шонли партиямизнинг XXIII съезди шарафига социалистик мусобақани кун сайин қизитаётган Янгийўл районидаги Энгельс номли колхоз аъзолари янги йилнинг дастлабки кунларида илк ғалабани қўлга киритдилар. Давлатга 71 центнер гўшт етказиб берилиб, 1966 йил биринчи квартал плани муддатидан илгари адо этилди.

Чорвадорлар шу кечакундузда қорамолларни сўйимга боқяптилар.

● Гулистондаги парандачилик совхози коллективи озуқа рационини бойитиш йўлида катта ташаббус кўрсатмоқда. Бу ерда 150 тонна сабзи ва қарийб 50 тонна ошқовоқдан сифатли силос бостирилди. Сабзи ва ошқовоқдан силос қуйидагича тайёрланди: Ювилган сабзи сомон майдаловчи агрегатдан ўтказилиб, сўнгра ДКУда ун ҳолига келтирилган беда билан қориштирилди. Парандалар бундай озуқани сира нушхўрд чиқармай ейишади.

Сабзи ва ошқовоқдан тайёрланган силос парандаларнинг пуштдорлигини ошириш билан бирга 200 тонна аралаш озуқани тежаб қолиш имконини берди.

С. ҚОДИРОВ,
«Совет Узбекистони» махсус мухбири.

● Самарқанд областининг ғаллакор хўжаликлари Узбекистонда биринчи бўлиб бошоқли ғалми экишга киришдилар. 1-«Ғаллаорол» совхози дон экишни бошлаб юборди. Тўртта трактор колоннаси далага чиқди. Механизаторлар КПСС XXIII съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашмоқдалар.

Нарпай ва Иштиҳон районларидаги ғаллакор хўжаликлар ҳам буғдой экишни бошлаб юбордилар.

● Хўжаобод районидаги Булоқбоши қишлоғида 300 ўринли янги кенг экранли кинотеатр қурилди. Бу театрда ҳозирдаёқ кинофильмлар намойиш қилинмоқда. Ҳозирги вақтда область қишлоқларида ва район марказларида энг янги аппаратлар билан ускуналанган 8 та янги кенг экранли кинотеатр деҳқонларга хизмат қилмоқда.

Бу йил Задарё, Избоскан, Учқўрғон ва Андижон районларининг марказларида ҳам 7 та ана шундай кинотеатр қуриш мўлжалланмоқда.

ҲУРМАТЛИ МЕҲМОНЛАР НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА

ТОШКЕНТ, 8 январь. (ТАСС махсус мухбирлари). Узбекистон ҳукуматининг таклифига биноан Ҳиндистон Бош Министри Лаъл Баҳодир Шастри ва Покистон Президенти Муҳаммад Аюбхон бугун кечқурун Алишер Навоий номли ўзбек давлат академик опера ва балет театрида П. И. Чайковскийнинг «Оққуш кўли» балетини томоша қилдилар.

Спектаклда ҳурматли меҳмонлар ва Покистон ҳамда Ҳиндистон делегацияларининг аъзолари билан бирга СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддинова, Ўзбекистон Министрлар Советининг Раиси Р. Курбонов, республика Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари М. М. Мусаховов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри С. Азимов, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари Р. Нишонов ва республиканинг бошқа раҳбар арбоблари бор эди.

Томошабинлар ўриндиқларидан туриб, ҳурматли меҳмонларни табриклашдилар.

Спектакль гоят муваффақиятли ўтди.

МИНИСТРЛАРНИНГ УЧРАШУВИ

ТОШКЕНТ, 8 январь. (ТАСС). Бугун Тошкентда ташқи ишлар министрларининг учрашувлари кун бўйи давом этди. СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Покистон ташқи ишлар министри З. А. Бхутто билан сўнгра Ҳиндистон ташқи ишлар министри С. Сингх билан суҳбатлашди.

ТОШКЕНТДА МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ТОШКЕНТ, 8 январь. (ТАСС махсус мухбирлари). Тошкент учрашувида қатнашаётган Ҳиндистон делегациясининг вакили бугун ўтказган матбуот конференциясида музокаралардаги вазиятни таърифлаб, «Тошкент руҳи» деган терминни ишлатди. Бу ерда ўтказилаётган музокораларимизнинг муваффаҳияти, деди у, бу музокараларга ана шу руҳда — Ҳиндистон билан Покистон ўртасида тинч яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатишга эришишни астойдил исташ руҳида қарашимизга боғлиқдир.

Ҳиндистон вакили Тошкентда учрашув қатнашчилари ўртасида умумий замминни қидириб топиш йўлида куч-ғайрат сарфлаш давом этаётганлигини таъкидлади. Кейинги бир-икки кун ичида гарчи катта муваффаҳиятга эришилмаган бўлса-да, лекин шунга қарамай, муайян силжиш бўлди.

Шуни эътиборга олиш керакки, деди Ҳиндистон делегациясининг вакили, Ҳиндистон билан Покистоннинг позициялари кўп йиллардан буён бир-биридан жуда узоқлашган эди ва бу позицияларни етарли даражада яқинлаштириш енгил иш эмас.

Ҳиндистон делегациясининг вакили айтдики, Ҳиндистон нуқтаи назаридан қилиниши лозим бўлган асосий иш — куч ишлатмаслик тўғрисида Ҳиндистон билан Покистон ўртасида бирон битим тузишдан ёки бошқа бирон шаклда келишиб олишдан иборат. Бу, деди у, Тошкент учрашувига ёндошувимизнинг асосий нуқтасидир.

Ҳиндистон вакили мамнуният билан айтдики, ҳукуматлар бошлиқларининг ва министрларнинг алоқа ва суҳбатлари давом этмоқда.

Ҳиндистон делегациясининг вакили меҳмондўстлиги учун, холис хизмат қилиб, музокараларнинг муваффаҳиятли ўтишини таъминлаш йўлида зўр бериб ҳаракат қилаётганлиги учун Совет ҳукуматига яна ташаккур билдирди.

* * *

ТОШКЕНТ, 8 январь. (ТАСС махсус мухбирлари). Бугун кечқурун «Тошкент» меҳмонхонасида ўтказилган матбуот конференциясида Покистон делегациясининг вакили бундан деди: Тошкентдаги музокараларнинг натижалари қандай бўлишидан қатъи назар, шуни эътироф қилиш зарурки, Совет Иттифоқи Покистон билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларни нормаллаштиришга эришишга қаратилиб, зўр бериб қилинаётган ишларга жуда катта ҳисса қўшди. Покистон вакили Покистон делегацияси ҳар иккала томонни қизиқтираётган масалалар юзасидан Ҳиндистон ва Покистон раҳбарларининг фикрлашиб олишлари учун жуда яхши имконият яратиб берганлиги туфайли Совет ҳукуматидан гоят миннатдордир, деб таъкидлади.

Покистон вакили Тошкент музокараларининг боришига тўхталиб, Покистон Президенти ва Ҳиндистон Бош Министри кейинги икки кун ичида муҳим масалалар юзасидан икки марта учрашганликларини айтди. Покистон вакили олиб борилаётган музокараларнинг гоят мураккаблиги ва жиддийлигини таъкидлаш билан бирга, бу учрашувда ҳар иккала томон ўртасида муайян даражада ҳамжиҳатликка эришилади, деб умид билдирди.

Покистон вакили ҳар иккала томон қарашларидаги келишмовчиликлар тўғрисида гапириб, Покистон ҳукуматининг маълум позициясига таяниб гапирди. Бу позиция шундан иборатки, Кашмир масаласи ҳар иккала мамлакат ўртасида тинч яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатиш йўлидаги асосий говдир.

Покистон вакили ўз делегациясининг фикрича, Тошкентдаги учрашувда Покистон ва Ҳиндистон раҳбарлари ўртасида ўрнатилган алоқалар фойдалидир ва бу алоқалар давом эттирилади, деб уқтириб ўтди. Покистон вакили яна айтдики, ҳар иккала томон гарчи аста-секин бўлса ҳам илгари силжимоқда ва бир битимга келишга ҳаракат қилмоқда. Покистон вакили сўзининг охирида ҳар иккала томоннинг ҳамжиҳатликка эришиш йўлида зўр бериб қилаётган ҳаракатлари фойдали бўлади деб яна умид билдирди.

В. МАТЯШ, Н. ТУРКАТЕНКО.

ДЎСТОНА ВИЗИТ

Ҳиндистон Бош Министри Лаъл Баҳодир Шастри 8 январда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния назоратида бўлди ва унинг ранси муфти Зиёвуддин Бобохонов билан суҳбатлашди.

(ЎзТАГ).



ЛАЪЛ БАҲОДИР ШАСТРИ — ЎЗБЕКИСТОН ШАРҚШУНОСЛАРИНИНГ МЕҲМОНИ

Ўзбекистон шарқшунослари 8 январда Ҳиндистон Бош Министри Лаъл Баҳодир Шастрини шодиёна кутиб олдилар. Ҳиндистон ҳукуматининг бошлиғи кейинги йил мобайнида республика Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтига иккинчи марта келди. Шарқшунослик институти Шарқда Осиё халқларининг қадимги ва энг янги тарихини ўрганаётган энг йирик тадқиқот марказларининг биридир. Бу институтда ўн беш минг томдан ортиқ ҳар хил асарлар сақланмоқда. Булар орасида нодир қўлёзмалар ҳам бор. Шу жумладан, Ҳиндистон ярим ороли халқлари маданиятининг жуда бой тарихини акс эттирган асарлар: шоирлар, тарихчилар ва файласуфларнинг ана шу халқларнинг Ўрта Осиё халқлари билан қадимий иқтисодий ва маданий алоқаларини тасвирлаган асарлари сақланмоқда.

Институтнинг директори С. Азимжонова ҳурматли меҳмонни ва унинг ҳамроҳларини табриклади. Лаъл Баҳодир Шастри ўзбек олимларига мурожаат қилиб, жумладан, қуйидагиларни айтди:

— Биз фақат бир нарсани — жаҳондаги барча халқлар ўртасида тинчлик ҳукм суришини, ҳар бир мамлакатнинг бошқа мамлакат суверенитетини ҳурмат қилишини истаймиз. Вазият қандай бўлишидан қатъи назар, турли мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар мутлақо тинч муносабатлар бўлиши керак. Бу — бизнинг айни муддаоимиздир.

Совет — Ҳиндистон маданий алоқадари жамияти Ўзбекистон бўлимининг президенти шоира Зулфия Ҳиндистон вакилларига мурожаат қилиб, бундай деди: Жамиятимизнинг активлари бир-биримизни яхшироқ билишимиз ва яхшироқ тушуниб олишимиз учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар. Қўшнимизнинг уйида тинчлик бўлса, бизнинг уйимиз ҳам тинч бўлади. Шу сабабли биз Тошкент учрашувининг қатнашчилари — Покистон ва Ҳиндистон давлат арбобларига уларнинг олижаноб ва қийин ишларида муваффақият тилаймиз.

Ўзбекистон шарқшунослари ўзларининг янги асарларини Лаъл Баҳодир Шастрига тухфа қилдилар. Ҳиндистон Бош Министри ҳам олимларга совғалар тақдим этди. (ЎзТАГ).

Суратда: Ҳиндистон Бош Министри Лаъл Баҳодир Шастри Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. Бируний номидаги Шарқшунослик институтида.

А. Горокрик ва В. Кожевников фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ХАНОЙДА ҚАБУЛ

ХАНОЙ, 8 январь. (ТАСС). Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети ва Вьетнам Демократик Республикасининг ҳукумати бугун Вьетнам Демократик Республикасида дўстлик визити билан меҳмон бўлиб турган КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзоси, Марказий Комитет секретари А. Н. Шелепин бошчилигидаги Совет Иттифоқи делегацияси шарафига қабул маросими ўтказдилар.

Қабул маросимида Вьетнам Демократик Республикасининг президенти Хо Ши Мин, Вьетнам Демократик Республикаси президентининг ўринбосари Тон Дик Тханг, Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ле Зуан, Вьетнам Демократик Республикасининг Бош Министри Фам Ван Донг ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Вьетнам Демократик Республикасининг Бош Министри Фам Ван Донг ва совет делегациясининг бошлиғи А. Н. Шелепин табрик нутқи сўзладилар.

Қабул маросими илиқ, дўстона вазиятда ўтди.

ЧОТҚОЛ тоғи этагида улкан гидроэнергетика иншооти тикланмоқда. Бу ерда мамлакатимизнинг турли томонларидан келган забардаст ишчилар, етук мутахассислар қўлни-қўлга бериб меҳнат қилмоқдалар. Чорвоқ ГЭСи халқ хўжалигимиз учун кўплаб энергия етказиб беради. ГЭС учун қурилаётган тўғон бу ерда барпо қилинадиган катта сув омбори учун ҳам хизмат қилади. Бинокор ва монтажчилар КПСС XXIII съезди шарафига мусобақани авж олдириб, ажойиб меҳнат ютуқларига эришмоқдалар. Чапдаги суратда Чирчиқ дарёси бўғилгандан сўнг сув оқизиладиган ташлама канал қурилиши манзараси тасвирланган. Ўнгдаги суратда гидроэнергетика иншооти қурилишини тезлаштиришга муносиб ҳисса қўшаётган монтажчилардан В. Имешев ва Г. Дорожкин ўртоқларни кўриб турибсиз

И. Глауберзон фотолари.



ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

В. В. НИКОЛЬСКИЙГА «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном» фахрий унвони бериш тўғрисида

Пахтачиликни ривожлантириш ва кадрлар тайёрлаш ишидаги хизматлари учун Тошкент Олий партия мактабининг доценти Вениамин Васильевич Никольскийга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1966 йил 8 январь. Тошкент шаҳри.

ТУНДА ҲАМ КУНДУЗДАЙ

Калинин номли колхоз қишлоғига тунда кириб бордик. Кундузгидек чароғон асфальт кўчалар, уларнинг қанотидаги ойнавонли, қоматдор уйлар, томларда ялтираб кўзга ташланиб турган мингдан ортиқ телевизор, радиоприёмник антенналари шаҳарни эслатарди.

Колхоз экономикасининг юксалиши, колхозчилар даромадининг кўпайиши билан қишлоқ шаҳар типида қайта қурилабошлади. Кейинги йилларда бош план асосида кишки клуб, меҳмонхона, ошхона, новвойхона бинолари қад кўтарди. Қатор хўжалик бинолари фойдаланишга топширилди. Ёруғ, озода шифохона, туғруқхона хизматидан қишлоқ меҳнаткашлари миннатдор бўлмоқдалар. Икки қаватли мактабда колхозчиларнинг болалари таълим олмоқдалар. Колхозчилар, асосан тўрт хонали, электрлаштирилган, водопровод ўрнатилган уй-жой биноларида истиқомат қиляптилар. Яқин йилларнинг ўзида 400 тадан ортиқ шундай уй-жой бинолари қурилди.

Колхоз қишлоғининг эртаси бундан ҳам чароғон. Қашқадарё область Яккабоғ районида бу каби обод қишлоқлар сони тобора кўпайиб бормоқда.

Ш. МАҲМУДОВ.

АТЕИСТИК ПЛАКАТ

Янги одамни тарбиялаб етиштиришда атеистик пропаганда муҳим аҳамият касб этади. Буни ҳисобга олган «Билим» жамиятининг Қашқадарё область ташкилоти яқинда «Қабиҳ ўтмишнинг жирканч қолдиқлари» сарлавҳали атеистик плакат чиқарди. Унда Қашқадарёдаги «муқаддас» деб аталган баъзи мозорларнинг тарихи таҳлил қилинади.

— «Хўжа Убайди жарроҳ» мозори, — дейилади мазкур атеистик плакатда, — Қарши районидаги «Қарши» совхози территориясида жойлашган. Диний эътиқодли айрим қолоқ кишилар ҳар чоршанба куни шу мозорга зиёратга боришади. Шуниси ачинарлики, баъзи аёллар бу мозор олдидаги дарахтни ҳам «муқаддас» деб билиб, унга сиғинадилар.

Баъзи маълумотларга қараганда, бу мозорга шу ерлик машҳур табиб Хўжа Убайди жарроҳ кўмилган экан.

Ўтмишда руҳонийлар бу қабрни бойлик тўплаш мақсадида илоҳийлаштирганлар. Шундан сўнг бу сағана фақат динга ишонувчи айрим кишилар, айниқса, хотин-қизлар сиғинадиган «илоҳий жой» ҳисоблаб келинган. Лекин сиғинувчилар бу ердан ҳеч қандай даво топган эмаслар ва топа олмайдилар ҳам.

Шунингдек, плакатда Қамаши районидаги Карл Маркс номли совхоз территориясида жойлашган «Ўғлонжон ота», «Кўкбулоқ» совхози марказига яқин жойдаги «Ҳазрат Лангарота», Қарши районидаги «Партия XX съезди» колхозида жойлашган «Султон Мир Ҳайдар», Карл Маркс номли колхоз территориясидаги «Имом Мўмин», Ғузор районидаги Ленин номли колхозда жойлашган «Кумчўп ота», Шаҳрисабз район Навоий номли колхоздаги, Севаз қишлоғининг хушманзара жойида ўрнашган «Оқ сув» каби қатор сағаналар ва «қадамгоҳ»лар аслида оддий жой эканлиги фактлар, далиллар билан исботланган.

Атеистик плакат турли расмлар билан безатилган.

Н. САЛАЕВ.

ҚИШЛОҚ ва КОММУНИСТИК ТУРМУШ

Турмушни экономика, сиёсат ва маданият билан биргаликда ўзгартириш ҳамда такомиллаштира бориш мамлакатимизда коммунистик жамият қуришнинг муҳим звеноси саналади. Кишиларнинг турмушини ва оилавий турмуш шароитларини коммунистик асосда қайта қурмай туриб, барча меҳнаткашларнинг бахтиёр ҳаёт кечиришлари учун шарт-шароитлар ярата олмаймиз ва ўтмиш сарқитларини, жумладан хурофий қолдиқларни, реакцион традициялар, одат ва маросимларни пировардигача тугата олмаймиз.

Ҳозирги вақтда қишлоқ турмушини қайта қуриш — коммунизм қурилиши йўлида амалга ошириладиган ижтимоий ўзгартишларнинг муҳим участкаси бўлиб қолди. В. И. Ленин 1922 йил 31 октябрда Бутунроссия Марказий Ижроия Комитетининг IV сессиясида нутқ сўзлаб, бундай деган эди: «Жуда кўпчилик аҳоли — деҳқонлар аҳолисининг турмушини қуриш тўғрисидаги масала биз учун туб масаладир». В. И. Ленин 1919 йил мартида РКП(б) VIII съездида сўзга чиқиб, қишлоқда маданийлик учун курашга чақирди ва «Албатта, биз қишлоқнинг маданийлигини тобора ўстирамиз, лекин бу иш кўп йиллар давомида бўладиган иш» деб таъкидлади.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати деҳқонларнинг турмушини социалистик негизда қайта қурар эканлар, қишлоқда турмуш шароитини яхшилаш тўғрисида ҳам тинмай ғамхўрлик қилиб келдилар. Социализм деҳқонларнинг моддий аҳволини тубли равишда яхшилабгина қолмасдан, балки шу билан бирга уларнинг турмушини ҳам ўзгартириб юборди. Колхозчиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари ортди, уларнинг маҳдудлиги батамом барҳам топди.

Мамлакатимизда колхоз тузумининг ғалабаси жумладан ўзбек қишлоғи ва аҳолисининг қиёфасини ҳам бутунлай ўзгартириб юборди. Баланд-баланд пахса деворлар, тор ва чанг-тўзонли кўчалар, мачитлар, тартибсиз ҳолда ғуваладан солинган уйлар — Ўзбекистондаги аввалги қишлоқлар ана шундай ҳолда эди. Деҳқонлар электрни, водопроводни, радио, телевидениени, телефонни ҳатто хаёлларига ҳам келтирмаганлар. Эндиликда ўзбек қишлоғининг қиёфаси, деҳқонларимизнинг турмуш ва меҳнат шароитлари янги мазмун касб этди. Майда, қашшоқ хўжаликлар ўрнида ҳозирги замон техникаси билан қуролланган кўп тармоқли йирик колхоз ва совхозлар қад кўтарди. Ҳозирги колхоз қишлоғини равон кўчалар, обод уй-жойлар, мактаблар, касалхоналар, болалар боғча, яслилари, маданият саройлари ва клублари, кино, телефон, электр ҳамда радиосиз тасаввур қилиб бўлмайди. Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон», Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел», Жиззах районидаги «Москва», Будённий номли колхозлар сингари жуда кўп хўжаликларнинг посёлкалари обод шаҳарчани эслатади.

Совет ҳокимияти барпо этилганидан буён ўтган йиллар ичида Ўзбекистонда мазмунан жуда чуқур маданий революция рўй берди. Кишилар ҳаёти, турмуши ва дунёқараши ўзгарганлиги ана шу маданий революциянинг буюк ютуғидир. Китоб, газета, радио, телевидение колхозчиларнинг турмушидан мустаҳкам ўрин олди.

Совет жамиятининг ривожланиши қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитини тубдан яхшилашни талаб қилади. Қишлоқ жойларида эндиликда тобора кўп машина ва механизм ишлатиляпти, колхоз қишлоғининг механизатор ва бошқа мутахассис кадрлари ўсиб етишди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг колхоз ва совхозларида 15 от кучига эга бўлган 120 мингдан кўпроқ трактор, 35,5 мингта трактор сеялкаси, 21 мингтадан кўпроқ трактор плуглари, 45 мингта трактор культиваторлари, қарийб 18 мингта пахта териш машинаси, 25 мингта юк автомобили бор.

Кейинги йилларда мамлакатимизда уй-жой қурилиши фақат шаҳарлар, посёлкаларда эмас, балки шу билан бирга қишлоқларда ҳам кенг қулоч ёйди.

Республика колхозларининг маданий-маиший қурилишини кенгайтириш учун имкониятлари ғоят катта. Колхозларнинг даромадлари йил сайин кўпайиб бормоқда. Чунончи, Шаҳрисабз районидаги Энгельс номли колхозда пахта ва бошқа деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш йил сайин кўпайибгина қолмасдан, балки шу билан бирга, меҳнат унумдорлигини ошириш учун кураш ҳамма вазифаларни ўз ичига олган ва пухта ишлаб чиқилган сиёсий-тарбиявий ишлар системаси билан моҳирона қўшиб олиб борилаяпти.

Кейинги йилларда колхоз ишлаб чиқаришининг интенсив ривожланаётганлиги колхозчиларнинг маиший шароитларини яхшилаш ва уларнинг маданиятини ошириш учун имконият яратиб берди. Колхоз қишлоқларининг қиёфаси қисқа вақт ичида ўзгарди. Бу колхозда ёзлик ва қишлик клублар, кутубхона, радиоузел, медпункт, туғруқхона, ҳаммом, новвойхона, жамоат ошхонаси, 2 та ўрта ва 4 та бошланғич мактаб, 14 та ясли, 5 та болалар боғчаси ва бошқа маданий-маиший муассасалар қурилди. Колхозчилар уйига радио, электр, водопровод киритилди. Колхоз хонадонларининг кўпчилигининг кутубхонаси бор, колхозчиларнинг деярли ҳаммаси газета ва журналларга обуна бўлган. Колхозда мунтазам лекция, доклад ва суҳбатлар ўтказиб турилади, муттасил кинофильмлар кўрсатилади, театрга коллектив бўлиб бориш ташкил этилиб турилади.

Хоразм область Ҳазорасп районидаги Нариманов номли колхоз Ўзбекистоннинг илғор хўжаликларидан бири. Унинг экономикаси йил сайин мустаҳкамланяпти, қишлоқ хўжалик артелининг барча аъзолари борган сари бадавлат яшашяпти, уларнинг турмуш маданияти эса узоқ вақт кейинда қолиб келди. Колхозчиларнинг турмуш маданияти жиҳатидан ҳам намунали бўлишига интилиб, маданият университети очдилар. Университет ҳузурида илмий атеизм ва коммунистик этика факультети ишлаб турибди.

Тўрткўл районидаги Максим Горький номли колхозда маданият ва турмуш халқ университетлари кенг колхозчилар оммасига манзур бўлиб қолди. Маданият ва турмуш университетида уйни безатиш, электр рўзғор асбобларидан фойдаланиш, рационал овқатланиш, дастурхон ёзиш ва бошқа нарсаларни ўрганиш мумкин. Колхозчиларнинг уйлари шинам ва мужаз бўлиб қолди, шаҳар мебели — каравотлар, диванлар, жовонлар, стол-стуллар ва шу кабилар кўпайиб боряпти, уларнинг турмушига электр кириб келди.

Шаҳар билан қишлоқлар ўртасидаги хўжалик ва маданий алоқанинг жуда тез ўсиб бораётганлиги — колхозчи деҳқонларнинг коммунистик турмуши қарор топаётганлигини кўрсатувчи муҳим далиллардан биридир. Шаҳар турмушида пайдо бўлаётган янги, прогрессив нарсаларнинг ҳаммаси қишлоқ аҳолисининг кундалик ҳаёти, турмушидан секин-аста ўрин оляпти. Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг харитасида 37 та шаҳар, 86 та район маркази, 78 та шаҳар типидаги посёлка, 795 та қишлоқ ва аҳоли яшайдиган 18 мингга яқин бошқа пунктлар бўлиб, уларда айни маҳалда 10 миллиондан кўпроқ аҳоли яшайди.

Қишлоқда янги коммунистик турмушни шакллантиришда хотин-қизларнинг эркаклар билан амалдаги тенгсизлиги қолдиқларини тугатиш энг муҳим шартлардан биридир. Ҳозирги вақтда хотин-қизлар республика халқ хўжалигида ишлаб турган ҳамма кишиларнинг қарийб 40 процентини ташкил этади. Хотин-қизлардан 157 киши СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советларининг депутати, 30 мингдан кўпроқ киши маҳаллий Советлар депутатидир. Ўзбекистонда хотин-қизлардан 15 мингга яқин инженер ва техник, 818 фан кандидати ва 24 фан доктори бор. Жамиятимизда рўй бераётган туб социал-иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзгаришлар туфайли Ўзбекистон қишлоқларидаги оилавий-маиший муносабатларда жуда катта сифат ўзгаришлар рўй берди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIII пленуми хотин-қизларни жамоат ишларига жалб этиш соҳасида эришилган жуда катта муваффақиятлар билан бирга, бир қанча камчиликлар ҳам борлигини кўрсатиб ўтди. Колхозларда уй ишларига қарашишни бутунлай истамайдиган ва унинг оғирлигини хотин-қизларнинг зиммасига юклаб қўйган кишилар борки, бунга чидаб бўлмайди. Ҳалигача шундай фактлар ҳам оз эмаски, баъзи кишилар ишлаб чиқаришда планини бажарса ҳам, оилада, турмушда ўзини феодалдек тутади, совет қонунларини, социалистик жамият қоидаларини бузади.

Республика партия ташкилоти турли халқларнинг ижобий традицияларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантира бориш билан бирга, коммунизм қурилишига халақит бераётган одатлар ва маросимларга қарши шафқатсиз кураш олиб бормоқда. Шунга қарамай, республикамизда, хусусан қишлоқларда аҳолининг бир қисми эскириб кетган одатларга ҳамон риоя қилиб келяпти, бундай хонадонларда сандал, бешик ва шу кабилар ҳалигача сақланади.

Қишлоқларда колхозчиларнинг маданий ҳаёт кечириши учун ҳамма имкониятлар бор, улар моддий жиҳатдан ҳам яхши таъмин этилганлар дейлик. Шундай бўлса ҳам баъзи колхоз раҳбарлари ва колхозчиларнинг бир қисми ҳалигача ота-боболари қандай яшаган бўлса, шу тахлитда яшашади. Масалан, Сирдарё область, Жеттисой районидаги «Коммунизм йўли» колхози 1963 йилда 2 миллион 136 минг 413 сўм даромад олган, 1964 йилда эса даромад яна 97.641 сўм ортган. Ҳар бир ишловчининг йиллик ўртача иш ҳақи ҳам йилига 960 сўмга етган. Давлатмандлик, маданият ошган бўлса ҳам колхозчилар турмуши жуда кейинда қоляпти. Кўпгина колхозчиларнинг уйида мебель йўқ. Ёшлар орасида олий ўқув юрти ва техникумларни битиргач, ўз колхозига қайтиб боришни хоҳламаётган кишилар бор. Кадрларни қишлоқда мустаҳкам сақлаб қолабилишнинг бирдан-бир тўғри йўли эса уларга қулай маданий-маиший шароит яратиб бериш ҳамда уларнинг дам олишини оқилона ташкил этишдан иборат.

Бизнинг ўйлашимизча, ишга принцип нуқтаи назардан бошқача ёндошиш талаб этилади. Эндиликда диққат-эътиборни ўтмиш сарқитларига қарши курашгагина қаратиб қолмай, балки янги турмуш қуришга бўйсундириш керак. Чунки кишилар турмушининг ҳамма жиҳатлари қанчалик чуқур ўзгара борса, ўтмиш сарқитларига қарши шунчалик муваффақиятли кураш олиб бориш ва уларни тезроқ бартараф этиш мумкин. Партия ташкилотлари бу соҳадаги яхши ишларнинг ҳаммасини умумлаштириши, ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаши ва янги традицияларни ривожлантира бориб, уларни турмушга татбиқ этиши керак. Бу эса партия ташкилотларидан қишлоқ байрамларини, оилавий тантаналарини ташкил эта билиш маҳоратига эга бўлган етарли миқдордаги идеологик ходимлар тайёрлашни талаб қилади. Санъат, маданият муассасалари мактаб ва ўқув юртларининг диққат-эътиборини ана шу масалаларга қаратмоғимиз керак. Шу нарса мутлақо равшанки, бутун ҳаётни — ҳам моддий, ҳам маънавий ҳаётни, меҳнат ва турмуш шароитларини коммунистик негизда қайта қуриш асосидагина коммунистик жамият кишисини тарбиялаб вояга етказиш мумкин.

Қишлоқ турмушининг маданий савиясини ошириш узоқ давом этадиган процесс. Коммунистик партия қишлоқ турмушини яна ҳам гўзаллаштириш вазифасини илгари сурмоқда. Ўз-ўзидан равшанки, турмушни янада қайта қуриш учун моддий ишлаб чиқаришнинг ривожланишини юксак даражага кўтариш керак. Коммунистик меҳнат ҳаракати турмушга коммунистик муносабат ҳаракати билан уйғунлаштириб ривожлантирилмоғи зарур.

Р. НОРЖИГИТОВ,
Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти илмий коммунизм кафедрасининг доценти.

Коммунистик ахлоқ ва одоб масалалари

ОДАМЛИК — ОДМИЛИКДА

Одамнинг ҳақиқий қадр-қимматининг белгиси шуки, уни дўст ҳам, душман ҳам тан олади, мақтайди. Ҳар ким ҳам мана шу қадр қимматга, шу гўзал фазилатга эга бўлишга интилади. Натижада бу ҳам бир мақсад бўлиб қолади. Зотан, мақсадсиз тириклик тириклик эмас. Умид бўлмаса ҳаётда лаззат ҳам йўқ.

Шунинг учун олтинга алиштириб бўлмайдиган фурсатларимиз бекорга кетмаслиги учун билим ўрганиш, изланиш керак бўлади. Юз берган ҳодисаларга ақл кўзи билан қараб, айтилаётган сўзларни кўнгил билан эшитишга ўрганиш керак. Ана шунда қиссадан ҳисса чиқариб олиб, одам атрофга тўғри назар ташлайдиган бўлади. Ҳаётга, халққа муҳаббати ошиб, турмуш неъматларининг лаззатига ҳам тушунади. Меҳнатда камол топган бу хусусиятлар кишини хушхулқ ва одми қилиб қўяди. Гўзал хулқ-атвори билан ёшларга намуна бўлиб, уларнинг инсонга муҳаббат ва ҳурматини ўстиради. Агар тарбиячи ундай бўлинг, бундай бўлинг, деса-ю сўзи феъл-атворига тўғри келмаса, қилган насиҳати фойдасиз. Ундай тарбиячининг сўзи қулоққа кирмайди.

Умуман айтганда илм, ҳунарни, яхши хислатларни оёқ ости қилмаслик учун киши одми бўлиши керак. Одми одамлар ювош бўладилар, бекорга аччиқланиш, бақириб шовқун солиш, сўкиш, қарғаш, қўрқитиш уларга ёт. «Айланай», «ўргулай», каби хушомад сўзларига ҳам эҳтиёж сезмайдилар.

Кунларнинг бирида нозикфаҳм бир она қўшиқ эшитиб ўтириб: «Хоразм қўшиқларини яхши кўраман, барака топгурлар, «айланай», «ўргулай»га ўхшаган хушомад сўзларни ишлатмайдилар, қўшиқчи деган шунақа одми бўлса!» деса, невара келини ҳам: «бувимнинг гаплари тўғри, ўшандай ўлдим, куйдим дейишаверса худди қўшиқнинг маъниси сўйилиб кетганга ўхшайди» деди. Кўрдингизми, халқимизнинг зеҳни қандай ўсиб, завқи ўзгариб кетган. Аслини олганда қарғиш, хушомад сўзлари эски сарқитлардир.

Одми одамлар ҳамиша ўз фикрига содиқ бўладилар, уларнинг сўзлари шундай эътиборли бўладики, агар бирор кишига «Раҳмат, баракалла!» деб қўйсалар, у, кишига дунё муяссар бўлгандай бўлади.

Одми одам доим бировларга яхшиликни кўзлайди. Малолли сўз айтиб кишилар дилини оғритмайди. Муомалада ҳам хушфеъл бўладилар.

Ўз манфаатини кўзлаган кишиларда юқоридаги хислатлар бўлмайди. Бошқалардан ўзини азиз тутган ҳаволи киши ўз мақсади йўлида ҳар қандай тубанликдан, ярамасликдан қайтмайди. Ўз ҳузурини деганлар мақтанчоқ бўладилар. Бундай шахсларда икки юзламачилик, бўямачилик, риёкорлик хусусияти бўлади. Кимнинг арзвасига тушса, ўшани мақтаб қўшиқ айтади. Бундай хусусиятга эга бўлганлар халқ назаридан қолади.

Тамагирлар дунё муяссар бўлса ҳам оз дейдилар. Еб-ичиб ҳам, китоб ўқиб ҳам, саёҳатга бориб ҳам лаззатланмайдилар. Гул, булбул билан келган баҳор ҳам, тарихий кураш ғалабаларга тўлган дунёр ҳам уларга завқ беролмайди. Тама шундай нарсаки, маънавий лаззатлардан маҳрум қилиб қўяди.

Одми одамлар ҳеч кимдан ҳеч қачон тама қилмайдилар. Уларда ҳиммат зўр бўлади. Ўзлари ип кийсалар ҳам бошқаларга ипак кийгизгилари келади. Навоий айтганидай ёғлиқ нонлари билан мақтанмайдилар. Умоч ошлари билан ҳасрат қилмайдилар.

Ҳақиқат, адолатни севган киши заковат эгаси бўлади. Улуғ одамлар арзимаган, кичкина нарсада ҳам улуғлигини кўрсатади.

Институтларнинг бирига тайинланган янги директорга хизматчилардан бири кириб, коллективдаги одамларнинг ҳар бири ҳақида салбий характеристика бераверган. Буни эшитиб ўтирган директор ниҳоят: «хўп, ўзингиз ҳақингизда нима дейсиз?» деса, у: «мен ўзим ҳақимда нима дер эдим» деган. Шунда директор «Сиз ўзингизни билмайсиз-у бошқаларни қайдан биласиз», деб уни қизартирган.

Бошлиқнинг янгилигидан фойдаланиб, бировлар ҳақида ноҳақ таассуротлар туғдирадиганлар ҳам бўлар экан. Бу хасадгўй, бошқалар бахт-саодатини кўролмайдиганлар хусусияти.

Одми одамлар эса барчанинг саодати — хушнудлигидан шоду хуррам бўладилар. Зотан, дўстни бахтиёр кўришдай руҳий лаззатга нима етсин!

Одми кишилар бемаза ҳазил, бировларга таҳлид қилиб гапириш, заҳарханда, пичинг каби ёқимсиз хусусиятлардан узоқда турадилар. Ҳаммани бездирадиган тўнг сўз, қовоқ солиш уларда бўлмайди. Дўстликка чақирадиган, кўнгилни яқинлаштирадиган, чиройни очадиган табассум чеҳраларидан аримайди. Очиқлик белгиси бўлган ҳасрат улардан эшитилмайди. Кишининг кўнглини топиб сўзлаганлари учун ҳамма яхши кўради. Бировнинг хатосини танқид қилсалар беғараз, ётиги билан гапириб тушунтирадилар. Ҳар ким бундай ибратомуз танқидга жон қулоғини солиб эшитади.

Одми одамларнинг кўринишларининг ўзи одамни ҳайиқтириб қўяди. Бу ҳайиқиш қўрқишдан эмас, ҳурматдан пайдо бўлади. Бизда оталарнинг кўпчилиги шу хислатларга эга. Ёшларнинг оталардан ҳайиқишлари камоли ҳурматдан.

Инсонга бўлган ҳурмат, муҳаббат одамни одобли қилиб қўяди. Ёмон сўзлардан, тубан ишлардан сақланиш; ўзини ва бошқаларнинг обрўсини тўкмаслик; ўз ҳаддини билиш одобдандир. Одамлар билан маънавий қариндошликда муносабатда бўлиш, катталарни, ота-онани ҳурмат қилиш, хушмуомалалик, кичикларга шафқат, кучсиз, қарияларга мурувват кўрсатиш, озодалик барчаси одобга киради.

Кишининг одамийлиги кўпроқ одмилигида намоён бўлади. Инсоннинг чеҳраси ҳам, кўриниши ҳам, кийиниши, ҳатто руҳий ҳаёти, табиати, фикри ҳам гўзал бўлиши керак.

Бу фазилатларга эришмоқ учун ақл ишлатиб меҳнат қилишни одат қилиб олиш зарур. Ақл, ирода, виждон ҳам меҳнатда камол топади.

Музайяна АЛАВИЯ,
филология фанлари кандидати.

Бизнинг ахборот

60 ЙИЛЛИК ОТКРИТКАЛАР

Тошкентдаги Навоий номли республика кутубхонаси архивида сақланаётган революцион темадаги 97 та откриткани кўриб, уни ишлаган рассомларнинг талантига қойил қоласиз. Н. Фешин 1905 йилда «Ярашдилар» картинасини яратди. Фешиннинг бу картинаси революцион темага бағишланган.

Рассомнинг «Патронларни аяманг» номли картинаси жуда кўп санъат ихлосмандларининг диққатини ўзига тортди. Номаълум бир автор бу асар ҳақида шундай деб ёзиб қолдирган: «Пушкин ўз асари билан бутун Россияга машҳур бўлган бўлса, Фешин фақат мана шу картинаси билан машҳур бўлди».

О. АПУХТИН.

ЎРТА ОСИЁДА ЭНГ КАТТА...

Пойтахтимизнинг Қўйлиқ массивида Ўрта Осиёда энг катта ҳисобланган сабзавот комбинати қурилмоқда. Комбинат ишга туширилгач, бир мавсумда 2,5 минг тонна пиёз, 15 минг тонна картошка, кўплаб ҳўл мева сақлаш мумкин.

Р. АКРОМОВ.

БЕҲИ

Беҳининг халқ хўжалигида ҳамда медицинада катта аҳамияти борлигини кўпгина кишилар билмаслиги мумкин. Тўқимачилик саноатида газмолга оҳор беришда беҳидан кенг фойдаланилмоқда. Беҳидан қанд моддаси, ошлов моддалари, витаминлар, минерал тузлар, микроэлементлар олинади.

Беҳи халқ медицинасида кўкрак оғриғи, йўтал, юрак, жигар касалликларини даволашда ҳам ишлатилади. Пўстлоғи эса гипертония, қон босимини пасайтириш мақсадида дамлаб ичилади. Беҳининг бундай шифобахш хусусияти Абу Али ибн Сино замонасидан бери маълум.

М. ТЎЙЧИЕВ.

Хоразм янгиликлари

Урганч шаҳрининг хушманзара жойларидан бирида жойлашган студентлар шаҳарчасида педагогика, медицина ва қишлоқ хўжалиги техникумлари студентлари учун 5 минг кишилик ётоқхона қуриляпти.

●

Хива районидаги «Коммунизмга» газета редакцияси қошида ёш қаламкашлар тўгараги очилди.

Қ. АЗИМОВ.

ДЕҲҚОН ТАРАДДУДИ

«Октябрь 40 йиллиги» совхози Фарғона областининг Киров районидаги йирик пахтакор хўжаликлардан бири. Совхоз ишчилари пахтадан бу йил янада мўлроқ ҳосил етиштириш учун қишки тадбирларни изчиллик билан амалга ошираётирлар. Яхоб бериш ғоят уюшқоқлик билан давом эттирилмоқда. Х. Хонбоев, Х. Жўраев, Х. Эркабоев ва А. Усмонов ўртоқлар каби тажрибали сувчиларнинг ҳар бири бир сменада 3-3,5 гектардан ерга яхоб бераётирлар.

О. БАРАТОВ.

●

Ю. Шарипов, М. Рамазонов, С. Асадов ўртоқлар Вобкент районидаги «Ленинград» колхозининг энг пешқадам механизаторларидан саналадилар. Ерларни 35-40 сантиметр чуқурликда сифатли шудгорлаётган бу механизаторлар смена нормаларини 1,5-2 ҳисса ошириб адо этаётирлар.

Х. ҚОБИЛОВ.

●

Қува районидаги «Коммунизм» колхозининг азамат механизаторлари янги ерларни ўзлаштиришда ғайрат ва ташаббус кўрсатаётирлар. Колхознинг бир группа механизаторлари яқинда Акбаробод чўлига ҳужум бошлаган эдилар. Қисқа вақт ичида юз гектар ер ўзлаштирилди. Ҳозир ана шу ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари кўриляпти.

М. ҚОДИРОВ.

ФЕРМАДА ЯНГИЛИК БЎЛГАЧ

Бухоро районидаги Фрунзе номли колхознинг кўп сонли чўпон-чўлиқлари қоракўл қўйларини яйратиб боқишда ва уларнинг зотини яхшилашда катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Колхоз чўпонлари машъаллар тажрибасини кенг қўлланиб, илғор зоотехника фан ва практикаси ютуқларидан оқилона фойдаланиб, ҳар йили кўплаб сифатли қоракўл тери етиштирмоқдалар. Айниқса ўтган йили колхоз қўзи олишда районда энг юқори кўрсаткичга эришди. 5179 бош қўйдан 5769 бошдан зиёд қўзи, 19,1 тонна жун олинди.

Хўжаликнинг йирик қўйчилик фермаси бор. Унда 8000 бошга яқин қўй боқиляпти. Фермага республикада хизмат кўрсатган чорвадор коммунист Бешим Шарипов 16 йилдан буён бошчилик қиляпти. Оддий чўпонликдан ферма мудири даражасигача кўтарилган Бешим ака Шарипов кишиларга ғамхўр, камтар раҳбар сифатида танилган. Ферма коллективи ҳар йили қоракўл тери, жун етиштириш, қўзи олиш, совлиқлар туёғини кўпайтириш йиллик топшириқларини мунтазам равишда ошириб бажариб келаётир.

Чорвага серўт яйловлар зарур. Яхши, унумдор яйловларда қўй боқишнинг ўзига хос гашти бўлади, дейишади чўпонлар. Молнинг тўқ, кўнглинг тўқ, албатта! Колхоз қўйлари йил бўйи Жарқоқда ва Ўртачўлнинг Тошқудуқ массивида боқилади. Яйловларнинг майдони кенг — ўртача ҳар бир отарга 1000 гектардан ўтлоқ тўғри келади.

Ўртачўлнинг об-ҳавоси мўътадил эмас. Гоҳ йиллар ёғингарчилик сийрак, айрим йиллар эса, ҳаддан ташқари кўп бўлади. Ёмғир кам тушган йилларда яйловнинг ўти бирмунча оз бўлади. Яккам-дуккам кўкарган ўт-ўланлар ҳам ёзнинг иссиқ кунлари бошланиши биланоқ қовжирай бошлайди. Моллар озуқа қидириб, яйловдан-яйловга интилади. Бундай пайтларда чўпонларга қийин бўлади, албатта. Серёмғир йилларда эса, ўт-ўланлар белга уради. Мол тўйиб яйраб ўтлайди, киши роҳатланади. Шундай бўлса ҳам Фрунзе номли хўжалик чўпонлари табиатдан инъом-эҳсон кутиб ўтирмайдилар. Амалда синалган тажрибалар ва фан тавсияларига таяниб, яйловлар унумдорлигини ошириш тадбирларини кўрадилар, қўйларни асраш, уларни боқишнинг илғор усулларини жорий этадилар. Ўт-ўланлар сал камайдими, қишлоқ ва далалардан кўплаб ем-хашак жамғарилади.

Чўпонлар ўзларига бириктирилган яйловлардан моҳирлик билан фойдаланишади. Қўйлар отари тўғри келган ерга ҳайдаб боқилавермайди. Агар моллар шу хилда боқилса, яйловдаги ўтлар тез орада пайхон қилиниб, уларнинг ҳосилдорлигига катта путур етказилади. Шу сабабли яйловлар махсус карталарга бўлинган. Ажратилган участкалардан маълум тартиб бўйича бирин-кетин фойдаланилади. Қўйлар бир участканинг ўтини еб битиргач, иккинчисига ҳайдаб ўтилади. Яйловлардан бу хил фойдаланиш туфайли хўжалик чўпонлари йилнинг хоҳ қуруқ, хоҳ сернам келишидан қатъи назар, яхши натижаларга эришаверадилар.

Бош чўпон Фармон Ҳайдаров сурункасига планни ошириб адо этиб келади. Икки азамат чўпон билан барча қийинчиликларни мардонавор енгиб, олға қараб дадил қадам ташламоқда. Бригадага 603 бош совлиқ бириктирилган. Қўзилатиш кампанияси даврида ҳар қайси қўй группасига алоҳида яйлов ажратилади. Якка бош совлиқлар бир оз узоқроқдаги участкаларда, эмизикли совлиқлар эса қудуқларга яқин участкаларда боқилади. Ўтган йили чўпон Омон Азимов совлиқларни боқди. Бош чўпон Фармон ака билан Отабой Келдиёров совлиқларнинг туғадиган группасини боқишди. Мавсумда планлаштирилган 603 ўрнига 721 бош қўзи олинди. Бу ҳар юз бош қўйдан 120 тадан қўзи деган сўз.

Ҳар қандай янгиликни осонликча амалга ошириб бўлмайди. Масалан, 1964 йили фермада СЖК препаратини қўллашга кўпчилик чўпонлар журъат этолмадилар. Улар бизнинг қўйлар майда, бунинг устига яйловларимизда мол озуқаси камчил, дейишди. Бунга фақат Фармон ака Ҳайдаров амал қилди. У биринчи йили препаратни икки қўзи туққан ёки 3-4 яшарлик энг яхши совлиқларга қўлланди. Бу совлиқлар яхши парвариш қилинди, қишдан семиз ва соғлом чиқарилди. Сунъий қочирилган ҳар бир совлиқдан 3-4 тагача қўзи олинди. Табиий уруғлантирилганлардан эса, 1-2 тадан қўзи олинди. Бригада 1965 йилга мўлжалланган топшириқни ошириб бажарди. Давлатга 387 дона ўрнига 392 дона қоракўл тери, ҳар қўйдан 2 килограмм 800 граммдан, жами 1718 килограмм ўрнига 1810 килограмм жун сотилди. Колхоз фақат шу отарнинг ўзидан 14531 сўм даромад олди.

Бош чўпонлар Янгибой Қурбонов, Матти Хонниёзов, Ўсар Ёрқулов сингари ўнлаб саҳро баҳодирлари ҳам чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Масалан, тажрибакор чўпон Янгибой Қурбоновнинг отаридаги 550 совлиқдан кўпчилиги эгиз қўзилади. Қоракўл терининг 98 проценти биринчи сортларга топширилди. Ҳар бош қўйдан 2,5 килограммдан жун қирқиб олинди. Матти Хонниёзов бригадасида 659 бош совлиқнинг ҳар юзтасидан 117 тадан қўзи олинди.

Колхозда чўпонлар меҳнатига қўшимча ҳақ тўлаш яхши йўлга қўйилган. Баъзи йиллар қурғоқ келиб, яйловдаги қўйларни парвариш қилишда кутилмаган қийинчиликлар юз беради. Лекин, азамат чорвадорлар қийинчиликларни мардона меҳнатлари билан енгиб, ажойиб меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар. Ҳалол меҳнат мўл даромад келтиришини улар яхши тушунадилар. Хўжаликда яйловдаги барча чўпонларга 6-разряд билан иш ҳақи тўланади. Иш ҳақи қирқиб олинган жун, қоракўл тери етиштириш ва моллар туёғини тўла сақлаб қолиш йиллик планларининг бажарилиши ёки бажарилмай қолишига қараб кўпаяди ёки камаяди. Шу тариқа ҳар ойда ҳар бир чўпонга ўртача 70-80 сўм, бир йилда эса, 840-960 сўмдан кам ҳақ тўланмайди.

Ферманинг ҳар бир отарида уч киши ишлайди. Буларга йил давомида юз процент ҳақ тўланса, бунинг 45 проценти бош чўпонга, 32 проценти ёрдамчи чўпонга, 25 проценти эса чўлиққа тўланади. Масалан, Ф. Ҳайдаров бригадаси 1965 хўжалик йилида 13870 сўм даромад қилиши планлаштирилган эди. Бригада бўйича 1810 килограмм жун етиштирилди ва 1 килограмм жуннинг харид нархи 4 сўмга тушди. Шундай қилиб, планлаштирилган 13870 сўм ўрнига 14531 сўм даромад қилинди. Йиллик план ошириб бажарилгани учун бригада аъзолари яна 417 сўм қўшимча ҳақ олдилар.

Чўпон-чўлиқлар моддий манфаатдорлигининг оширилиши чорвачилик маҳсулотларининг йилдан-йилга кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Ж. ЙЎЛДОШЕВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг штатсиз мухбири.

Т. НАЗИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Ўрозгул Сафарова Урганч районидаги Энгельс номли колхознинг энг моҳир механизаторларидан бири. У ҳар йили йиғим-терим мавсумида ўз агрегати бункеридан 120-150 тоннагача пахта тўкади. **Суратда:** пешқадам механизатор Ўрозгул Сафарова.

А. Тўраев фотоси.

МАЪМУРЧИЛИК ФАБРИКАСИ

Совхозимиз йил сайин мўлкўл қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи маъмурчилик фабрикасига айланиб боряпти. Буни лоакал билтурги муваффақиятларимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Етти йилликнинг сўнгги босқичида ҳар 100 гектар ярокли ер ҳисобига 1884 центнердан сут ҳамда 205 центнердан гўшт етиштирдик. Совхоз кунда давлатга 12 тонна ва ундан ҳам ошириб сут маҳсулотлари жўнатиб турди.

Сут етиштириш ва давлатга топширишда айниқса қувончли натижаларга эришдик. Ҳар бош сигирдан ўртача 3750 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олинди Ленин орденли Фотима Галиулина ўтган йили ҳар бош сигир ҳисобига 4630 килограммдан сут топширди. Бундай илғорлар совхозимизда кўплаб топилади.

Шонли беш йиллигимизнинг тўнғич йилида янада каттароқ ғалабаларга эришиш мақсадида бирмунча тадбирлар амалга ошириляпти. Чунончи, чорва қишлови кўнгилдагидек уюштирилди. Чорвачилик бинолари сифатли ремонт қилинган, улар турли ускуналар, механизмлар ҳамда водопроводлар билан тўла таъминланган. Қиш учун чорва молларга етиб ортадиган миқдорда ем-хашак жамғарганлигимиз жуда қўл келяпти.

Меҳнат унумдорлигини ошириш, чорвачилик маҳсулотлари таннархини тағин ҳам камайтириш ҳисобига бу йил 260 минг сўмлик фойда олишни мўлжаллаб турибмиз. КПСС XXIII съезди шарафига социалистик мусобақани кун сайин қизитаётган чорвадорларимиз янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ зафар қучмоқдалар.

Шу яқин орада давлатга 100 тонна гўшт топширамиз, ярим йиллик планни эса иккинчи квартал бошларидаёқ бажармоқчимиз. Бунга молларни рацион асосида боқиб, тез семиртириш орқали эришамиз.

Совхозимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш учун ҳали фойдаланилмаётган резервлар кўп Айниқса Бўзсув дарёсида насос станцияси қурилиб ишга туширилгандан сўнг суғориладиган майдонлар анча кенгаяди, бедадан ва бошқа экинлардан юқори ҳосил етиштириш имконияти вужудга келади. Биз Бўзсувдан фойдалана бошлагач, беданинг ҳар йили 4-6 марта ўриб олинишига эришамиз. Айни вақтда, маккажўхоридан йилда икки марта силос бостирамиз, озуқабоп лавлагидан ҳам яхши ҳосил оладиган бўламиз.

Суғориладиган майдонларни кенгайтириш ҳисобига чорва моллар туёғини ҳам кўпайтирамиз. Масалан, сигирлар сони ҳозирги 1300 бошдан 1600 бошга етказилади. Ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сут 4000 килограммга, сут етиштириш эса, 50 минг центнердан 65 минг центнерга кўпайди. Ҳар юз гектар ярокли ер ҳисобига 2500 центнердан сут олинишига эришамиз.

Шу йўл билан совхозимиз республикадаги энг илғор хўжаликлардан бирига айланади. Биз чинакам маъмурчилик фабрикаси бўлиб қолиш учун куч ва ғайратимизни аямаймиз.

К. АЪЗАМОВ,
Янгийўл районидаги 4-«Чиноз» наслчилик совхозининг директори.

ЧОРВАДОР ОЛИМЛАРНИНГ ЙИҒИЛИШИ

МОСКВА, 6 январь. (ТАСС мухбири). Бугун В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясида шу академия чорвачилик бўлими ҳақиқий аъзолари ва корреспондент аъзоларининг йиллик йиғилиши очилди.

Чорвачилик бўлимининг академик секретари Н. Ф. Ростовцев бўлим олимларининг 1965 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот доклади қилди. Н. Ф. Ростовцев ем-хашакдан фойдаланиш, наслчилик иши ва чорва молларнинг касалликларига қарши кураш масалаларига катта эътибор берди.

В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг академиги Я. Р. Коваленко бўлим ветеринария секциясининг иши тўғрисида қўшимча доклад қилди. Бутуниттифоқ чорвачилик институтининг директори профессор А. С. Всяких бу институтнинг чорвачилик соҳасидаги тадқиқотлари тўғрисида ахборот берди.

Янги шеърлар

АФСОНА

Салқинладим чинор тагида,
Яшил барглар шивирлаб турар.
Сув ҳақида, Фарҳод ҳақида
Бу ерларда афсона юрар.
Ўйлаб кетдим, ким бўлган дея
Афсонани яратган зотни.
Баргларaро кун боқиб қия,
Деди: ўрган ўтмиш ҳаётни,
Китобларга кетди хаёлим,
Тош ёзмалар кўз олдимда жам.
Тополмади жавоб саволим,
У, эскидир китоблардан ҳам.
Шунда барглар аста шивирлаб,
Жўякларда сувлар жилдираб,
Хониш билан қўйдан тўрғайлар
Қанотларин ўйнаб, пилдираб,
Афсонани варақладилар.
Айтувчиси дейишди: кўклам:
Кўклам бўлса жилмайиб деди:
Йўқ, мен эмас, ижодкор одам!

ЙЎЛ

Кўнгилдан кўнгилга йўл бор
дейдилар.
Бу йўлни қўл билан қуриб
бўлмайди.
Юриш-чун сен унга ёлвор
дейдилар,
Кўнгилнинг изимсиз юриб
бўлмайди.
Бу йўлнинг манзилин кўрмас
экан кўз,
Оёқлар бир умр орзула экан.
У йўлни пойларкан ҳар
дилдаги сўз,
Йўл боши — дил тутган кўзгуда
экан.
Юракнинг кўзгуси тафаккур
азал,
Кўнгилнинг йўлида туну кун
посбон.
Шу посбон ҳамдамнинг бўлсин
ҳар маҳал,
Кўнгилга йўл топмай йўл юрма,
инсон!

МЕЪМОР

Меъмор туни билан ухламай
чиқди,
Субҳидам у билан хайрлашди ой.
Булбуллар чаҳчағин боғлардан
йиғди,
Ғунчалар келиндай саломга
чиқди.
Олам чеҳрасида бунчалар
чирой...

Чўққидан жилмайиб салом берди
кун,
Унинг кокилларин ўйнарди
анҳор,
Ўзи билан олиб кетарди тўлқин,
Оқин тўлқинларда оқарди учқун.
Қуёш саховатин ўйларди
меъмор.

Ёғду ва иссиқлик чулғар ўйини,
Қалбида шу савол бирдай барг
ёзар,
Тўлқинда бунчалик қуёш ўйини,
Ўйларди қоғозга чизган уйини,
Не бўлар шулардан олса андоза.

Табиат шунчалар қулайлик
истар,
Унинг кўҳлиги бор, бир-бирига
мос.
Инсон вужудини юрак иситар,
Сохта бўёқларнинг ранги тез
кетар,
Қолар қоялардай мустаҳкам
асос.

Боқий гўзалликни чизар қоғозга.
Бизни унутма дер қуёш, табиат,
Ўйларнинг ўхшасин дилдаги
созга,
Берилма жимжима, қуруқ
пардозга,
Акс этсин ўйингда ҳаёт,
муҳаббат.

Меъмор,
Лойиҳангдан олам умидвор,
Чунки шу оламга у сендан
ёдгор.

НАЗАРМАТ.

Советлар мамлакатида

● МЕТАЛЛ, МАТЕРИАЛ, ВАҚТ ТЕЖАЛДИ

КОЛХОЗОБОД. (Тожикистон ССР). Кичикбел нефть конида мастер Ҳаким Карибулин бригадаси нефть қудуғини муддатидан олти кун бурун ишга туширди. Бир минг метрдан кўпроқ труба, 35 тонна юқори сифатли цемент, кўпгина кўмир ва бошқа материаллар тежалди, чунки кон-қудуқни пармалашда янги прогрессив метод ишлатилди. Бунинг учун лойли қоришма ўрнига сув ишлатилди.

Тожикистон пармаловчилари москваликларнинг ва ленинградликларнинг ташаббусларига жавобан, 20 та янги кон-қудуқ қазишда давлатга олти юз минг сўмлик металл ва материал тежашга қарор қилдилар.

● АВВАЛО СИФАТ ЯХШИ БЎЛСИН

КОСИНО. (Москва области). Косино трикотаж фабрикаси Москва шаҳри ва областида планлаштиришга ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтказилган 20 корхонанинг бири.

Етти йиллик мобайнида бу корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш анча кўпайди, маҳсулот сифати яхшиланди, ускуналар янгиланди. Натижада, корхона олаётган фойда олти баравар кўпайди.

Фабрика маркасининг обрўйи учун курашда яхши натижалар қўлга киритилди: трикотаж буюмларнинг 86,7 проценти биринчи сорт билан қабул қилинмоқда, 40 проценти эса чет мамлакатлардаги ва Ватанимиздаги энг яхши намуналардан қолишмайди.

Янги йилда асосий ишлаб чиқариш фондларининг ҳар бир сўмига ҳисоблаганда икки сўм 89 тийин фойда олиш планлаштириб қўйилди. Ишчиларни моддий рағбатлантириш фонди кўпаяди. Ишда энг яхши муваффақиятларга эришганларга йил охирида мукофотлар бериладиган бўлади.

● ЯНА ИККИТА ЯНГИ КОРХОНА

НОВОПОЛОЦК. (Витебск области). Белоруссия нефть химияси саноатига яна иккита янги корхона қўшилди. Полоцк нефтни қайта ишлаш заводида мой ишлаб чиқарувчи блок, шунингдек олтингугурт кислотаси ишлаб чиқариладиган цех ишга туширилди.

● ХАЛҚ ХИЗМАТИГА

БОКУ. Совет Озарбайжонидаги нефть ва газ запаслари бир неча миллиард тонна ҳисобланади. Бу эса республикада нефть саноати вужудга келганидан бери ўтган юз йил ичида қазиб олинган нефть ва газдан бир неча баравар кўп.

Республика Фанлар академиясидаги олимларнинг катта группаси нефть саноатидаги геологлар билан ҳамкор бўлиб, Озарбайжоннинг «қора олтин» запаслари миқдорини аниқлаш ишлари билан беш йил шуғулландилар. Натижада тўрт минг саҳифа, бир неча юзта харита, графиклардан иборат коллектив асар вужудга келди. Олимлар бу ишни партия XXIII съездига бағишлаб тамомладилар.

● ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИ КОМБИНАТИ

ПЕТРОПАВЛОВСК-КАМЧАТСК. Бугун бу ерда қурилиш индустрияси комбинати биринчи маҳсулот берди. Бу комбинат йилига ўттиз беш минг квадрат метр уй-жой қуришга керакли материаллар ишлаб чиқара олади. Кейинроқ бориб, корхонанинг қуввати икки баравар кўпайтирилади. Комбинатда олтмиш квартирали беш қаватли уйларнинг деталларини ишлаб чиқариш ташкил этилди.

● ШАҲАРЛАР ЎСМОҚДА

МИНСК. Минск трактор заводининг посёлкасида меҳмонхона қурилмоқда. Бу ўн тўрт қаватли меҳмонхона шаҳардаги энг баланд иморат бўлади.

Бу йил Белоруссия шаҳарларида кўпгина мактаб, касалхона ва маданият муассасалари учун бинолар қуриш мўлжаллаб қўйилди. Уй-жой қурилиши кенг авж олдирилади. Бу бинолар асосан микрорайонларда қурилади. 52 мингдан кўпроқ квартира бино қилинади. Илгари ҳеч қачон бир йил ичида шу қадар кўп ҳажмдаги иш бажарилмаган эди.

(ТАСС).

Бошланғич таълимга эътиборни кучайтирайлик

ИЛМ ПОЙДЕВОРИ

Мактабнинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлаш ва халқ маорифи системасини янада ривожлантириш тўғрисидаги Қонунда ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қабул қилган «Ўзбекистон ССРда халқ маорифини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарорда республикамизда халқ маорифи ишини, мактабларда олиб бориладиган таълим-тарбия ишларини ҳар жиҳатдан янада яхшилаш учун жуда муҳим тадбирлар белгиланган. Қарорда бундай дейилади: «Бошланғич мактабларнинг ишини кескин суратда яхшилаш керак. Бошланғич мактаб кадрлари сафини юқори малакали ўқитувчилар билан тўлдириш зарур. Бошланғич мактабларни саккиз йиллик ва ўрта мактабларга бириктириб қўйиш тажрибаси диққатга сазовордир, улар бошланғич мактабга доим методика ёрдами ва амалий ёрдам бериб туришлари лозим».

Тўғри, мактабларимиз ҳаётида, халқ маорифи системасида жуда катта ривожланишни таъмин этган мактаб ҳақидаги Қонун қабул қилинганидан бери таълим-тарбия ишларида самарали ўзгаришлар юз берди. Мактаблар тармоғи кенгайиб, ўқувчилар контингенти ўсиш билан бирга, ўқувчиларга пухта билим бериш, уларни турмушга, меҳнатга тайёрлашда зўр муваффақиятларга эришдик ва эришмоқдамиз.

Аммо шуни ҳам рўй-рост айтиб ўтиш керакки, таълим-тарбия ишларида катта-катта ютуқ, муваффақиятларимиз бўлиши билан бирга, эндиликда тезроқ тузатишимиз зарур бўлган қатор жиддий камчиликларимиз ҳам мавжуддир. Бундай ҳолат. айниқса, бошланғич синфларда кўпроқ кўринади. Буни ўтган 1964—1965 ўқув йили якунлари ва шу янги 1965—1966 ўқув йилида Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги ҳамда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан бўлган текшириш натижаларида равшан кўриш мумкин. Реал фактлар айрим жойларда бошланғич таълимнинг аҳамиятига жиддий эътибор берилмаётгани ва шунинг натижасида ўқувчиларнинг билим сифати, ўқув программа материалларини ўзлаштириш даражаси ҳаёт талабларига нисбатан орқада қолаётганидан далолат беради. Таълим-тарбия ишларидаги бундай камчилик, айниқса Бухоро, Қашқадарё, Фарғона, Сурхондарё область мактабларида кўпроқ учрайди.

Жойлардаги бошланғич синфларда ҳозиргача давом этиб келаётган камчиликларнинг мавжудлиги, албатта, бежиз эмас. Бу ҳақда мулоҳаза қилсак, аввало, бошланғич синфларда ишлаётган ўқитувчи-кадрлар состави, уларнинг савиясига кўз ташлаб ўтиш лозим. Маълумки, ҳаётимизнинг барча соҳаларида ва шу жумладан халқ маорифи, таълим-тарбия соҳасидаги барча ишлар сифатининг қай даражада бўлиши педагогик кадрларнинг сиёсий-ғоявий, илмий-методик савиясига боғлиқдир. Кадрлар ўз соҳасига муносиб, ўз вазифасига лаёқатли, моҳир бўлса, шу соҳадаги ишлар, шубҳасиз, унумли, самарали бўлаверади. Афсуски, жойларда педагогик кадрларнинг савиясига ва уларни ўз қобилиятига қараб ўринлаштиришга, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилишга етарли эътибор берилмай келинмоқда. Шунинг натижасида, айниқса, бошланғич синф ўқитувчилари орасида етарли маълумот ва педагогик тажрибага эга бўлмаган, ўз масъулиятини чуқур ҳис этмаётган кишиларни учратамиз.

Бошланғич синфларни ўқитувчи-кадрлар билан таъминлашдаги ҳозиргача давом этиб келаётган яна бир камчилик, дарс соати етишмайди, деган важ билан юқори синф ўқитувчиларига бошланғич синфларнинг бирини топшириб қўйишдир. Масалан, Қашқадарё область Қамаши районидаги 14-мактабнинг математика ўқитувчиси Ҳайитов, Чироқчи районидаги 1-мактабнинг рус тили ўқитувчиси Комилова, Бухоро область Ромитан районидаги 13-мактабнинг тарих ўқитувчиси Ҳақназаровлар бошланғич синфларда ҳам ишлайдилар. Худди шундай ҳолатлар бошқа областларда ҳам учрайди. Мана бундай ўқитувчилар ўз мутахассислигига нисбатан бошланғич синфларда ишлашни иккинчи даражали вазифа деб қарамоқдалар.

Маълумки, бошланғич синф ўқитувчисининг иши жуда мураккаб, кўп қирралидир. Бошланғич синф ўқитувчиси ўқув программасида кўрсатилган она тили, арифметика, тарих, табиатни ўрганиш, меҳнат таълими каби қатор предметларни бир ўзи олиб боради. Шунинг учун у юқори синф ўқитувчиларига нисбатан ҳам кенг маълумотга, юқори малакага эга бўлиши, ижодий меҳнат билан кўпроқ шуғулланиши, ниҳоятда чидамли, ташаббускор бўлиши шарт.

Ўқувчиларининг саводхон бўлишлари, барча предметларни пухта ўзлаштиришлари, биринчи навбатда, она тилини яхши билишларига боғлиқдир. Она тилини яхши билишнинг аҳамияти ҳақида атоқли педагог К. Д. Ушинский бундай деган эди: «Ҳар қандай фаннинг берилиши ва ўзлаштирилиши она тили орқали бўлади. Сўз маъноларини англашга одатланмаган болалар ўша сўз аҳамиятини қоронғироқ тушунади ёки бутунлай тушунмайди. Агар бола ўзининг оғзаки ва ёзма нутқ процессида сўзни бемалол ҳамда ўринли ишлатиш малакасига эга бўлмаса, у (бола) бошқа фанлардан ҳам маълумот олишда ғоятда қийналади. Демак она тили ўқитиш муҳим марказий ва ҳал қилувчи масала бўлиб, у ўз ичида бошқа ҳамма предметларни ҳам, бу предметларнинг хулоса ва якунларини ҳам акс эттиради».

Афсуски, айрим жойларда она тилидан ўқитувчининг ҳам, ўқувчиларнинг ҳам яхши саводхон бўлишлари зарурлигига етарли аҳамият берилмайди. Шунинг натижасида бошланғич синф ўқитувчилари орасида она тилидан кўнгилдагидек саводхон бўлмаган кишилар ҳам учрайди. Шунинг учун, аввало, ўқитувчиларнинг ўзлари тўла саводхон бўлишлари билан бирга, бу муҳим масалада ўқувчиларга ҳам атрофлича ғамхўрлик қилишлари керак. Ҳар бир ўқитувчи шуни доимо эсда тутиши керакки, агар у она тилини яхши билмаса, ўқувчиларга барча предметлар бўйича чуқур билим бериб бўлмайди.

Мактабларда юқори синфлар бўйича ҳам, бошланғич синфлар бўйича ҳам она тили ўқитиш сифати учун кураш иккинчи она тилимиз — рус тилини ўқитиш сифати учун кураш билан узвий боғлиқдир. Чунки рус тили ўқувчиларнинг барча предметлар бўйича чуқур билимли бўлишлари, фикрий, зеҳний жиҳатдан яхши ривожланишлари ва адабий нутқ маданиятига эга бўлишларида муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети рус тилини ўқитиш сифатини янада яхшилаш чоралари тўғрисида шу йил май ойида қарор қабул қилди. Бу қарор жуда катта аҳамиятга эгадир. Республикамиздаги умумий таълим мактабларида, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида рус тилини ўқитишни яхшилаш юзасидан катта ишлар қилинди ва қилинмоқда. Аммо кўпгина жойлардаги миллий мактабларда рус тили ўқитиш сифати яхши эмас. Бундай ҳолат, айниқса қишлоқ мактабларида ва шу жумладан бошланғич мактабларда кўпроқ кўринади. Жойлардаги халқ маорифи органлари, мактаб раҳбарлари рус тили ўқитувчи-кадрлар савиясига, илмий-методик, педагогик тажрибасига бепарво қарайдилар. Шунинг натижасида рус тилини ўзи яхши билмагани ҳолда, «дарс» бераётган ўқитувчилар ҳам учраб қолади. Эндиликда бундай кечириб бўлмайдиган хато ва камчиликларга чек қўйиб, рус тили ўқитишни янада яхшилаш хусусида бутун имкониятларимиздан тўлиқ фойдаланайлик.

Бошланғич синф ўқувчиларининг саводхонлигини, умумий савиясини, миқдорий ва фазовий тасаввурларини, мустақил ишлаш малакаларини юксалтиришда арифметика ўқитиш ҳал этувчи омиллардан биридир. Арифметика, айниқса, III—IV синфларда анчагина мураккаб. Бу, ўқитувчидан фақат дарслик билан чекланмай, балки ишга ижодий ёндошишни талаб этади. Шунингдек, ўқувчилар меҳнат фаолиятига психологик ва амалий тайёрланишлари, дарсликкагина суяниб қолмай, балки ҳаётдан, воқеликдан олинган фактлардан фойдаланган ҳолда, ўзлари масала тузиш ва ечишга ўрганишлари лозим. Аммо кўпгина жойларда ўқитувчилар бундай талабларни ҳисобга олмайдилар.

Бошланғич таълим сифатини тубдан яхшилаш масаласида шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги ўқув-методика кабинети, Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-текшириш институти, педагогика институтлари, Республика ва шаҳар, область ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари, шаҳар ва район халқ маорифи бўлимлари қошидаги педагогика кабинетлари бу соҳадаги ўз фаолиятларини яхшилаш ва кучайтиришлари зарур. Токи бу илмий-педагогика муассасалари бошланғич таълим сифатини тубдан яхшилаш, ўқитувчи-кадрлар савиясини ошириш, уларни кўрсатмали қуроллар, ўқув-методик қўлланмалар билан етарли таъминлашда, илғор педагогик тажрибаларни кенг кўламда умумлаштиришда бевосита, яқиндан раҳбарлик, ғамхўрлик қилсинлар.

Ҳозир республикамизда 6812 та мактаб бўлиб, буларда 2 миллион 280 мингдан ортиқ бола таълим олмоқда. Бошланғич синфларнинг умумий сони эса республикада 44 минг 94 та бўлиб, уларда ўқиётган ўқувчилар сони 1 миллион 196 мингдан ортиқдир. Демак ҳозирда мавжуд бошланғич синфлардаги ўқувчилар сони республикамиздаги барча умумий таълим мактабларидаги ўқувчилар сонининг деярли ярмини ташкил қилади. Бинобарин, умумий таълимнинг замини, асосий илмнинг пойдевори — бошланғич таълим сифатини умум жамоатчилик ёрдамида ҳар томонлама юқори даражага кўтариш, бу соҳада давом этиб келаётган камчиликларни тезроқ тугатиш ўқитувчилар коллективи, халқ маорифи ходимлари, илмий-педагогик институтларнинг энг муҳим, масъулиятли вазифаларидандир.

Ҳ. ЗУННУНОВ.

БУ БРОШЮРАНИ ЎҚИНГ

ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИ

Хоразм республикамизда бутун мамлакатда пахтачилик машъали бўлиб порламоқда. Область 1963 йилда 310 минг тонна пахта етиштириб, ҳосилдорликни 31 центнерга етказди, бу катта ғалаба учун олий мукофот — Ленин ордени билан тақдирланди. 1965 йилда ялпи ҳосил 352 минг тоннадан ошди, гектаридан қарийб 35 центнердан «оқ олтин» йиғиб олинди.

Пахта ҳосилдорлигини оширишнинг омиллари нимадан иборат? Область қандай қилиб пахтадан муттасил юқори ҳосил етиштиряпти?

Бектош Раҳимовнинг «Ўзбекистон» нашриёти босиб чиқарган «Хоразм пахтачилиги» номли брошюрасида юқоридаги саволларга аниқ, муфассал жавоб берилган.

«Ташкилий иш — муваффақият гарови» деган бўлимда партия, совет ва хўжалик ташкилотларининг мўл ҳосил учун курашда ўйнаган етакчилик роли ҳақида гапирилади. Кейинги боблар областда пахтачиликнинг истиқболи, экономика ва маданиятни янада юксалтиришнинг ойдин йўлига бағишланган.

Шуни таъкидлаш керакки, рекорд ҳосил бераётган область машъалларининг тажрибаларини кўрсатиб берадиган тўлақонли китоблар ҳали яратилмаган эди. «Хоразм пахтачилиги» брошюраси бу йўлда қўйилган дастлабки қадамдир. Шу муносабат билан баъзи истакларимизни баён қилмоқчимиз.

Китоб мундарижасини анча кенгайтириш, фан ва тажрибанинг янги ютуқлари, характерли фактлар билан тўлдириш, область пахтачилик олимларининг илмий текшириш ва сорт яратиш устидаги ишларини кенгроқ ёритиш, колхозлар экономикасини чуқурроқ таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Областнинг тупроқ тузилиши, ирригация системаси махсус карталар воситасида берилса яхши бўларди.

М. ЭРИМОВ,
биология фанлари кандидати.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.



Кеча Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ Х. А. Асомов қабул маросими ўтказди. Суратда: қабул маросимида иштирок этган Ҳиндистон, Покистон ва бошқа мамлакатларнинг журналистлари дўстона суҳбатлашмоқда.

И. Глауберзон фотолари.

ТИНЧЛИК РАМЗИ

Ҳамкорлик руҳи билан суғорилган учрашув ҳали аниқ бир қарорга келмаган бўлса ҳам тараққиёт сари қадамба-қадам силжиётганлиги кундан-кунга яққолроқ сезилмоқда. Буни Покистон ва Ҳиндистон вакилларининг бугун Тошкентда тинч музокара олиб бораётганликларидан, бир дастурхон атрофида ҳамжиҳат бўлиб ўтиришганидан ҳам фаҳмлаш мумкин.

Кеча кундузи Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ Х .А. Асомов Тошкент матбуот маркази ҳузуридаги журналистларни қабул қилди.

Қабул маросимида совет журналистлари, шунингдек, Ҳиндистон, Покистон ва бошқа кўпгина мамлакатларда чиқадиган газеталарнинг, телеграф агентликларининг мухбирлари, радио, телевидение компанияларининг вакиллари қатнашдилар.

Ўртоқ Х. А. Асомов республиканинг пойтахт шаҳри социалистик Тошкентнинг йилдан-йилга гуллаб-яшнаётганлиги, Тошкент саноат корхоналарининг азамат ишчилари, инженер-техник ходимлари эришган муваффақиятлар тўғрисида гапирди.

— Мен Тошкент учрашувининг боришидан қаноат ҳосил қилмоқдаман, бу учрашувлар позитив натижалар беради деб ўйлайман, — деди кеча Ҳиндистон ташқи ишлар министри Сваран Сингх,— Тошкент шаҳар мэри ўтказган қабул маросимида. У Тошкент учрашуви, Ҳиндистон Бош министри Шастри билан Покистон Президенти Аюбхон ўртасида ўзаро фикр алмашишлар ҳар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш учун замин тайёрлайди, оқибат натижада ҳар икки қўшни мамлакат ўртасида тинчлик ўрнатилишига олиб келади, деб умид билдирди. Шу билан бирга Сваран Сингх музокаралардаги қийинчиликларни ҳам айтди.

Дўстона учрашувда Покистон ахборот министри Хўжа Шохобиддин, Покистон ва Ҳиндистоннинг бошқа расмий кишилари ҳам ҳозир бўлдилар.

Совет томонидан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри С. Азимов, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари Р. Нишонов, СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси Н. А. Бенедиктов, СССРнинг Покистондаги элчиси М. В. Дегтярь, СССР ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзоси Л. М. Замятин, Ўзбекистон газеталарининг бош редакторлари, Ўзбекистон телеграф агентлиги, радиоэшиттириш ва телевидение комитетининг раҳбар ходимлари ҳозир бўлдилар.

Қабул маросими дўстона вазиятда ўтди.

Кечагина мустамлакачилик асоратидан қутилган Африка қитъасидаги миллатларнинг вакили — Малида чиқадиган «Эссор» газетасининг мухбири Шуайбу Бонкане Тошкент кўнглига хуш келганлигини айтиб деди:

— Бу ерда тинчлик масаласи ҳал қилинаётир. Тинчлик биз, африкаликларни ҳам ер юзидаги барча кишиларни ҳаяжонлантиргандек ҳаяжонлантиради. Бу ерда мустамлака зулмидан озод бўлган икки мамлакатнинг тинчлиги, дўстлиги тўғрисида гап кетмоқда.

Тошкент — ҳамкорлик, дўстлик, омонлик шаҳри, Тошкент маърифат маркази. Тошкент руҳи — тинчлик руҳидир.

Тошкентнинг бутун дунёдаги тинчликпарвар шаҳарлар билан алоқаси мустаҳкамланмоқда. Ўтган йили Ҳиндистоннинг Панжобида «Ўзбекистон» куни ўтказилган бўлса, Покистонга борган совет олимларидан бири — Ленин мукофоти лауреати Ё. Тўрақулов Лаҳор дорилфунуни талабаларига қизиқарли лекциялар ўқиди.

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Совет диёридаги барча кишиларнинг, бутун тараққийпарвар инсониятнинг фикрини ифодалаб, Осиёдаги икки қўшни мамлакат арбобларига холис ният билан мурожаат қилган эди. Тошкент учрашуви давом этмоқда. Ҳиндистонликлар, покистонликлар айтганидек, учрашув ғилдираги айланмоқда. Бу ғилдирак орқага эмас, олдинга, тинчлик, тараққиёт сари айланмоқда.

Ҳамид НУРИЙ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

Турли мамлакатларда

«ТОШКЕНТ ДИЛЛАРГА УМИД СОЛМОҚДА»

ҲИНДИСТОН

ДЕҲЛИ, 8 январь. ТАСС мухбири **В. Никитин** хабар беради:

Тошкентда янгиликлар борми? —Ҳозирги вақтда Ҳиндистон кишилари бир-бирлари билан учрашиб сўзлашганларида одатда худди шу савол билан гап бошлайдилар. Матбуотнинг барча органлари, қандай сиёсий маслакда бўлишларидан қатъи назар, Тошкентдан олинган материалларни биринчи саҳифаларда кўзга яққол ташланадиган ўринларда босиб чиқармоқдалар. Умумҳиндистон радиосининг сўнгги ахбороти Тошкентдан олинган хабарларни эшиттириш билан бошланади. Тошкент ҳамманинг диққат марказида турибди.

Ҳиндистон жамоатчилиги Совет Иттифоқининг холис хизмат қилишни илгари сурган ва Тошкентдаги учрашув учун имконият яратиб берган таклифига ҳамда Совет ҳукуматининг бу учрашувни муваффақиятли ўтказишга қаратилган қатъий ҳаракатларига юксак баҳо бермоқда. Ҳиндистондагилар Тошкентдаги учрашувга катта умид боғламоқдалар.

Ҳафталик «Линк» журнали ёзади: «Уруш қилиш ўрнига ҳал этилмаган барча проблемаларни муҳокама қилишга розилик билдириш мамлакатдаги аҳволни тубдан ўзгартириб юборади ва бутун Ҳиндистон ярим оролининг ҳамкорлиги асосида экономикани тараққий эттириш учун одам кучлари ва ресурсларни бўшатиб беради. Тошкентда қўлга киритиладиган муваффақият умумий тинчликни мустаҳкамлаш йўлида зўр ғайрат билан қилинаётган ишларнинг муҳим бир қисми бўлиши мумкин».

Сиёсий арбоблар ва дин арбоблари, олимлар, ёзувчилар, оддий ҳиндлар — буларнинг ҳаммаси Тошкент учрашувининг муваффақиятли тугалланишини якдиллик билан истайдилар. Парламент аъзоси, Умумҳиндистон мусулмонлар иттифоқининг президенти Муҳаммад Исмоил матбуот вакилларига бундай деди: «Ҳиндистон ярим оролининг бахт-саодати учунгина эмас, балки бутун дунё учун ҳам мустаҳкам тинчлик ўрнатиш зарур».

ЧЕХОСЛОВАКИЯ

ПРАГА, 7 январь. (ТАСС). Совет дипломатияси Тошкентда намойиш қилаётган холис хизмат кўрсатиш сиёсати бутун дунёда ўз ихлосмандларини тобора кўпайтирибгина қолмай, айни бир маҳалда халқаро муносабатларнинг намунасига, реал усулига айланиб бормоқда, деб ёзади бугун Чехословакиядаги «Руде право» газетаси Тошкентдаги учрашувни шарҳлаб.

Бош министр А. Н. Косигин билан унинг шериклари, деб ёзади газета, ҳозирги кундаёқ реал имкониятлар мавжуд бўлган масалаларда томонларнинг позицияларини мумкин қадар кўпроқ яқинлаштиришга ҳаракат қилмоқдалар. Шу сабабдан Ҳиндистон билан Покистон вакиллари Совет Иттифоқи кўрсатаётган холис хизматнинг амалий ва беғараз бўлаётганлигини, Совет давлат арбоблари ҳамжиҳатликка эришишга интилаётганликларини, уларнинг эҳтиёткорлик ва назокат билан иш кўраётганликларини таъкидламоқдалар.

ХО ШИ МИН СОВЕТ ИТТИФОҚИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

ХАНОЙ, 7 январь. (ТАСС). Вьетнам Демократик Республикасининг президенти Хо Ши Мин бугун КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзоси, Марказий Комитет секретари А. Н. Шелепин бошчилигидаги Совет Иттифоқи делегациясини қабул қилди. Делегация дўстлик визити билан Вьетнам Демократик Республикасига келган эди.

Учрашувда Вьетнам Демократик Республикасининг бош министри Фам Ван Донг, Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ле Зуан, Вьетнам Демократик Республикаси Миллат мажлиси доимий комитетининг раиси Чионг Тинь ва Вьетнамнинг бошқа раҳбарлари ҳам ҳозир бўлдилар. Учрашув илиқ, самимий вазиятда ўтди.

РУС ТИЛИ ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК ТИЛИДИР

МОСКВА, 7 январь. (ТАСС). Совет дўстлик жамиятлари иттифоқи жаҳоннинг 50 дан ортиқ мамлакатига бандероллар ва китоб посилкаларини юбориб турибди. Брошюралар, ўқув программалари, ўқитувчилар учун қўлланмалар — шуларнинг ҳаммаси рус тилини ўрганаётган чет эллик дўстларимизнинг илтимосига кўра юборилмоқда.

Чет элларда рус тилига қизиқиш йилдан йилга ортиб бормоқда. Буни маданий марказлар, Совет Иттифоқи билан дўстлик жамиятлари қошидаги тўгараклар ва курсларнинг мислсиз кўпайиб бораётганлиги исботлайди. Скандинавия ва ёш мустақил Африка давлатлари, Осиё ва Латин Америкаси мамлакатларининг аҳолилари рус классиклари ва замонавий ёзувчилари асарларини, совет газеталари ва журналларининг айнан ўзини ўқишни, тинчлик ва дўстлик тили деб, ҳақли равишда ҳисобланган тилда гапиришишни хоҳлайдилар.

Турли мамлакатлардаги жамоатчилик ташкилотларининг илтимосига мувофиқ совет педагогика вакиллари Чехословакия, Япония, Ҳиндистон, Бельгия, Норвегия ва бошқа мамлакатларга бориб келдилар. Совет филологларининг халқаро семинарларда қатнашишлари традиция бўлиб қолди. Италиядаги Понца оролида «Италия — СССР» жамияти ўтказаётган ҳамда Хельсинкида «Финляндия — Совет Иттифоқи» жамияти ўтказаётган йиғинлар шулар жумласидандир.

Совет дўстлик жамиятлари иттифоқи Москвага ўқишга келаётган чет эллик педагогларни қабул қилмоқда. Масалан, кейинги тўрт йил ичида Москвадаги ёзги мактабда Европа, Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларининг бир мингга яқин вакили малакасини оширди. Уттиз давлатдан келган қарийб юз педагог—жамиятлар иттифоқининг стипендиатлари Москва университети қошидаги 10 ойлик курсни тамомладилар. Ўтган йил ёзида социалистик мамлакатлардан келган ўқитувчилар Халқлар дўстлиги университетида 20 кун мобайнида шуғулландилар.

Ҳозир Москвада жаҳоннинг 15 мамлакатидан келган ўқитувчиларнинг янги катта бир группаси, жумладан Англия, Австрия, Греция, Мексика, Финляндия, Кипр, Ҳиндистон, Франция, Сомали, Норвегиядан келганлар ҳам бор. Тажрибали мутахассислар, Москва Давлат университетининг профессорлари улар билан амалий машғулотлар олиб бормоқдалар.

АРАБЛАРГА ЯҚИН САНЪАТ

ҚОҲИРА (АПН мухбири). Бу ерда очилган Озарбайжон рассомлари асарлари виставкаси Бирлашган Араб Республикаси жамоатчилигида катта қизиқиш туғдирди.

Бирлашган Араб Республикаси маданият министри Сулаймон Хузаин экспозицияларни кўриб бўлгандан кейин бундай деди:

— Менимча, бу виставканинг асосий хусусияти шундаки, у совет кишиларининг ҳаёти ва меҳнатини ҳаққоний акс эттиради. Озарбайжон рассомлари миллий традицияларни ажойиб равишда сақлаб қолганлари ҳолда реалистик мактабнинг энг яхши традицияларига амал қилаётганликлари менга ёқади.

БАРнинг кўзга кўринган жамоат арбоби Камол Албендари ҳам виставка тўғрисида ижобий фикрлар айтди. Унинг фикрича, виставка БАР ва Совет Иттифоқи халқлари дўстлигини янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Озарбайжон санъати, — деди кўзга кўринган рассом Ифлатон, — бизга яқиндир, шу сабабли БАР рассомлари асарлари виставкаси Совет Иттифоқи республикаларида кўрсатилса, Озарбайжон виставкасини бизда қандай қизғин кутиб олган бўлсалар, араблар виставкасини ҳам шундай кутиб оладилар деб умид қиламан.

Қоҳира телевидениеси Озарбайжон қилқалам усталари асарларига бағишлаб махсус эшиттириш ташкил қилди.

Ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиб

ФРАНЦИЯ

ПАРИЖ. Об департаментидаги тўқимачилик корхоналари ишчиларидан 10 мингдан кўпроқ киши маъмурият иш ҳақини оширишдан бош тортганлигига қарши норозилик билдириб, икки соатлик забастовка ўтказди.

Забастовка умуммеҳнат конфедерацияси касаба союзлари ва бошқа демократик ташкилотларнинг даъвати билан уюштирилган эди.

ЯПОНИЯ

ТОКИО. 134 мингга яқин аъзоси бўлган Умумяпония денгизчилар касаба союзи иш ҳақининг оширилиши тўғрисидаги талабларни қўллаб-қувватлаш юзасидан 22 январда тўртинчи забастовкани ўтказишини хабар қилди.

Ўтган йил ноябрь ва декабрь ойларида ўтказилган дастлабки уч забастовкада савдо флоти ва денгиз соҳилига яқин жойларда сузиб юрувчи қарийб 2500 кеманинг экипажи иштирок этди. Кемаларнинг эгалари денгизчилар талабларини қабул қилишдан бош тортаётганликлари сабабли денгизчилар забастовкани давом эттиришга қарор бердилар.

АҚШ

НЬЮ-ЙОРК. Нью-Йоркдаги Сент-Жон католик университети ўқитувчиларидан катта бир группаси 31 ўқитувчининг ишдан бўшатилишига қарши норозилик билдириб забастовка эълон қилди. Бу ишдан бўшатилган ўқитувчилар яна ҳам кенгроқ академик ҳуқуқлар берилишини ёқлаб чиққан эдилар. Жаҳонда энг йирик католик олий ўқув юртларидан бири бўлган бу университет ўқитувчилари ўз лекцияларида сиёсий проблемалар юзасидан фикрларни эркин талқин қилиш ҳуқуқи берилишини узоқ вақтдан буён талаб қилиб келмоқдалар.

КОЛУМБИЯ

БОГОТА. Колумбиянинг Тинч океандаги асосий Буэнавентура порти докерларидан икки минг киши забастовка эълон қилди. Портда иш бутунлай тўхтаб қолди. Иш ташловчилар иш ҳақининг оширилишини талаб қилмоқдалар. (ТАСС).

УЧ ҚИТЪА ФОРУМИДА

ГАВАНА, 7 январь. ТАСС махсус мухбирлари **М. Артюшенков, Р. Князев** ва **В. Ласкарев** хабар берадилар:

Уч қитъа халқлари бирдамлиги конференциясининг 6 январь кундузги ялпи мажлисида делегация бошлиқлари сўзга чиқдилар. Конференция қатнашчилари революцион Куба делегати Османи Сьенфуэгоснинг нутқини зўр иштиёқ билан тингладилар. Османи Сьенфуэгос империализмга, эски ва янги мустамлакачиликка қарши курашни кенгайтириш учун бу конференция катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Уч қитъа халқларининг биринчи конференцияси, — деди Османи Сьенфуэгос, бир қанча муҳим проблемаларни қараб чиқмоқда. Бу проблемаларнинг бири — уч қитъа ташкилотини тузишдан иборат. Бу ташкилот Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқларининг бирдамлигини кучайтиришга ёрдам бериши керак.

Сьенфуэгос бундай деди: Африка — Осиё бирдамлиги ташкилотини сақлаб қолиш ва у билан бир қаторда уч қитъа органини тузиш мақсадга мувофиқдир, деган фикр илгари сурилмоқда. Баъзи делегатларнинг айтишича, уч қитъа органининг иш жойи Гавана бўлиши мумкин.

Нотиқ айтдики, бу — Куба учун катта шараф бўлур эди. Аммо шу билан бирга, Куба Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги антиимпериалистик кучларни бирлаштирувчи ягона органни тузиш ҳақидаги қарорни ҳам қўллаб-қувватлашга тайёрдир. Бу органнинг иш жойи Қоҳира бўлиши мумкин. Бу орган тузилган тақдирда, деб таъкидлади у, Куба Вьетнам халқининг вакилини ана шу органнинг раиси қилиб сайлашни бирдан-бир шарт қилиб қўйган бўлур эди.

Куба делегати қаҳрамон Вьетнам халқининг, Доминикана Республикаси, Лаос, Венесуэла ва бошқа кўп мамлакатлар халқларининг кураши билан бирдам эканлигини айтди. Курашаётган халқлар сони, деди у, ортиб бормоқда ва бизнинг планетамизни «империализмдан халос бўлган территория» деб аташ мумкин бўладиган кун келиб қолар.

Кундузги мажлисда Венесуэла, Гватемала, Конго (Браззавиль), Руанда, Покистон, Сурия, Аргентина вакиллари ҳам сўзга чиқдилар. Мажлисда конференция раиси, Куба ташқи ишлар министри Рауль Роа халқаро тайёргарлик комитетининг собиқ раиси Бен Барк ўғирлаб олиб кетилганлиги тўғрисидаги масалани конференцияда муҳокама қилишни таклиф этган эди, бу таклиф якдиллик билан маъқулланди.

УРУШНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ПЛАНЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Америкадаги «Коламбия бродкастинг систем» радио ва телевизион компаниясининг Бангкокдаги мухбири берган хабарда айтилишича, Американинг Таиланддаги базаларига жойлашган авиацияси ҳар кун Лаосга 250 марта учиб бормоқда. Американинг бомбардимончи ва қирувчи самолётлари, дейилади мухбирнинг хабарида, Лаос билан Вьетнам Демократик Республикасини туташтирувчи «коммуникация йўлларига» бомбалар ташламоқда.

Мухбирнинг айтишига қараганда, Америка авиациясининг бу ҳаракатлари «тағин ҳам кенгроқ миқёсда ўтказиладиган операцияларнинг муқаддимаси бўлиши мумкин». Мухбирнинг хабаридан маълум бўлишича, штаблар бошлиқлари комитетининг раиси генерал Уилер яқинда Шарқи-Жанубий Осиёга борган вақтида Лаоснинг Вьетнам Демократик Республикасига туташган чегараларида Американинг пиёда қўшинларидан фойдаланиш имкониятини муҳокама қилган.

БАЛАНД Асвон тўғони қурилиши бошланганига бугун 6 йил бўлди. Шу вақт ичида қурилишда катта ишлар қилинди. Нил дарёси тўсилди, гранит қатламлари орасидан ҳар бирининг узунлиги 270 метр келадиган олтита туннель қурилди. Қурилишда минглаб араб мутахассислари етиштирилди. Ҳозир тўғонга тупроқ ётқизиш давом этмоқда. Бу тўғон туфайли Нил дарёсида сув ҳозирнинг ўзидаёқ 10 метр кўтарилди. ГЭС биносида ҳам иш тинмайди. 1966 йилнинг иккинчи ярмида биринчи турбина келтирилади. Тўғон қуриб битказилгач, суғориладиган ерлар учдан бир баравар кенгаяди. Суратда: ГЭС биносининг блокларидан бирида қурилиш ишларининг бориши.

ТАСС фотохроникаси.



ҲИНДИСТОН ВА ПОКИСТОН ХАЛҚЛАРИНИНГ МАҚОЛЛАРИДАН

Ҳиндистон

Бахтдан ким юз ўгирибди?

Бир кўзи билан ёш тўкиб,
Бир кўзи билан им қоқар.

Битта гулдан гулчамбар бўлмайди.

Кўнгил бир, орзу минг бир.

Мевасиз дарахтга маймун ҳам чиқмайди.

Оч қолса фил ҳам йиқилади.

Раж қанақа бўлса,
Роҳиблари ҳам шунақа бўлади.

Сопол тувак сопол кўзани мақтайди.

Тақлид бор ерда мустақиллик йўқ бўлади.

Шаҳар дарвозасини ёпиш мумкин-у,
Лекин одамларнинг оғзини ёпиш мумкин эмас.

Шуҳратга чўмган нема ғарқ бўлмайди.

Ўз вақтида ёрдамга келган — дўст.

Ўзинг учун деганда,
Дарёдан ҳам сузиб ўтасан.

Ўз ўғлини ҳеч ким чўлоқ демайди.

Қарз олма, балога қолма.

Қудуқдаги сув ҳам тоғдан келади.

Қуш орасида юрсанг
Қуш тили билан гаплаш.

Покистон

Бир қўллаб сочсанг,
Икки қўллаб тер.

Дарахт меваси билан азиз.

Жаннатда қул бўлгандан,
Дўзахда подшо бўл.

Ит қуйруғини қанча юқори кўтармасин,
Ахир бир кун судраб қолади.

Камбағалнинг бойлиги — болалари.

Ман этилган нарсага юрак тортади.

Онасини эмиб тўймаган,
Отасининг бармоғини сўрибди.

Совға қилинган бузоқнинг тишига қаралмайди.

Сузишни билмаган киши Отаси қазиган ҳовузчада ҳам ғарқ бўлади.

Хатодан ҳеч ким холи қолмайди.

Чарчаган туя карвон саройга интилади.

Шароб дўконидан сув ичган ҳам,
Шароб ичган ҳисобланади.

Эшитганингга ишонма,
Кўрганингга ишон.

Яхши ном бойликдан ортиқ.

Ўт кетгандан кейин қудуқ ковлама.

Қаҳрамонлик мақтовга муҳтож бўлмайди.

С. ХУДОЙБЕРГАНОВ
таржимаси.

ОБ-ҲАВО

Бугун кундузи республиканинг ҳамма областларида ёғингарчилик бўлмайди, Шарқ томондан секундига 3-7 метр тезликда шамол эсади. 12-17, жануб томонда 25 даражагача иссиқ бўлади.

Тошкентда ёғингарчилик бўлмайди, 13-15 даража иссиқ бўлади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

9 ЯНВАРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 12.00 — Мактаб ўқувчиларининг каникул кунларида. **Сеҳрли этик** (Тошкент шаҳар 65-болалар боғчасида тарбияланувчилар спектакли), 12.45 — **Ёш гвардия** номли бадиий фильмнинг 2-серияси.

Рус тилида: 14.05 — **Урмондаги воқеа** (мультфильм), 14.15 — **Кичик дуб** (кинофильм), 14.35 — **Қурбақа малика** (мультфильм), 17.00— **Ким кучли?** (болалар учун қўғирчоқ фильм), 17.25 — **Телевизион янгиликлар,** 17.40—**Чарли Чаплин.** 18.55 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида 19.00 — **Икки билагузук** (Муқимий номли театрдан), танаффус вақтида — **Телевизион янгиликлар.**

Рус тилида: 21.50 — **Аёллар тили билан,** 22.25 — **Эстрада концерти.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 9/I да кундуз **Коппелия,** кечқурун **Зулматдан зиё** премьераси, 10/I да кундуз **Боғчасарой фонтани,** кечқурун **Семурғ.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 9/I да кундуз **Алишер Навоий,** кечқурун **Ўғирланган умр.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 9/I да **Икки билагузук,** 10/I да **Қари қиз.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Циркда арча» «Юность» цирк коллективи ва «Арслонлар» аттракциони.**

КИНО

Инженер Гарин мўъжизаси — «МИР», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА», «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 5 ярим, кеч 7 ярим ва 9-15 минутда).

Имтиҳонлар бўлмаганда эди — СОБИР РАҲИМОВ номли НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Олтин ғоз — **«МИР»** (эрталаб соат 10 да), **«МОСКВА»** (эрталаб 10 да), **«ДРУЖБА»** (эрталаб 10 ярим ва кундуз 12 да).

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА
9 январда
ПРЕМЬЕРА
Рашид Ҳамроев асари

Зулматдан зиё

3 пардали опера.
Туроб Тўла либреттоси.
(**Ойбекнинг** «Қутлуғ қон» романи асосида)

Дирижёр — **Ф. Шамсиддинов,** постановкачи-режиссёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти **М. Муҳамедов,** хормейстерлар — **Л. Шамшин** ва **С. Шодмонов,** рассом — Ўзбекистон ССР халқ рассоми **М. Мусаев,** рақсларни саҳнага қўювчи — СССР халқ артисти **М. Турғунбоева.**

Кеч соат 7 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

9 январь кундуз соат 1 да Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Фахриддин Умаров,** Ўзбек давлат филармонияси ва эстрада солистлари иштирокида

КОНЦЕРТ

Билетлар сотилмоқда.

10 январь кеч соат 8 да Музика маданияти университети.

Шаҳар студентлари учун 5-абонемент бўйича:

«ШАШМАҚОМ»
деган темада
учинчи

лекция-концерт

Лектор — музикашунос **М. Аҳмедов.**

Концертда: Ўзбек давлат филармониясининг халқ чолғу оркестри, Ўзбекистон ССР халқ артистлари, хизмат кўрсатган артистлар ва солистлар қатнашади.

Абонементлардан ташқари билетлар Эстрада театри кассасида ва районкассаларда сотилади.

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

1966 йил 19 январь кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институтининг илмий совети мажлисида (Гоголь кўчаси, 70-уй, катта конференц-зал фойеси)

М. А. Ботирова — филология фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Рус тилидаги буйруқ майли ўзбек тилидаги буйруқ истак майлининг қиёси» деган темада.

Диссертация билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

1966 йил 20 январь кундуз соат 1 да, Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг бирлашган илмий совети мажлисида (Киров кўчаси, 22-уй, 16-аудитория)

Г. Р. Халилов — қишлоқ хўжалик фанлари доктори деган илмий даражани олиш учун: «Озарбайжоннинг Кировобод-Қозоқ зонасида ўғитлаш ва суғоришнинг ем-хашак экинлари ҳосили ва тўйимлилигига таъсири» деган темада.

Диссертация билан институт кутубхонасида танишиш мумкин (Киров кўчаси, 22-уй).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриёти нинг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

№ Г — 8. Индекс 64543. Р. 08019